


2

**Бори элга яхшилиф қилғилки,  
мундин яхши йўқ,  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди  
фалондин яхшилиф.**  
Заҳириддин Муҳаммад БОБУР



**Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги нашри**

# Postda На посту

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

2020-yil  
13-fevral  
payshanba

№ 7 (4445/4363)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqq boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

## ШАФФОФЛИК СОҶА РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилини Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ жамоаси хайрли ташаббус, эзгу амал билан бошлади. Бунга бошқарманинг Миробод тумани Файзиобод маҳалласида жойлашган Рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлимида замонавий технологиялардан кенг фойдаланилаётганини мисол тариқасида келтириш мумкин.



## «НА СТРАЖЕ» ВА «САҚШЫ» ГАЗЕТАЛАРИ – ТИНЧЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ЙЎЛИДА



Бутун Қозоғистон Республикаси ИИВнинг бошқа наشرлари билан бир каторда, полиция ходимларининг машаққатли меҳнатини ёритиб бераётган «На страже» газетаси тахририяти жамоасининг улкан илҳомий йўлини муштарийлар эътиборига ҳавола этмоқчимиз.

## ГАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

### ЖАНГЧИНИНГ АРМОНИ

Шам ёруғида уйдан келган хатни ўқиётган жангчининг бўғзига нимадир тикилиб, оиласини, яқинларини қаттиқ соғинганини ҳис қилди. Онасининг соғинч билан, ўкинч билан ёзганлари унинг қалбини ўртаб юборди.



## ЮРТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

● Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ёшларнинг кўпчилик қисми фаол бўлган ижтимоий тармоқлар (Telegram, Facebook.com, Instagram) да ўз расмий саҳифалари фаолиятини йўлга қўйди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

● Президент Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикасиغا инсонпарварлик ёрдамини юбориш тўғрисидаги фармойишга имзо чекди.

Гуманитар юк таркибида тиббий йўналишдаги энг зарур маҳсулотлар – стерилланган бир марталик қўлқоплар, химоя комбинезонлари, юз учун фальтёрлаш никоблари ва бошқа маҳсулотлар мавжуд.

● Ўзбекистон Республикаси делегацияси Москва шаҳрида бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Миллий координаторлари кенгашининг (ШХТ МКК) йиғилишида иштирок этмоқда.

Йиғилиш кун тартибидан ташкилот фаолиятининг жорий масалалар ҳамда Санкт-Петербург шаҳридаги бўлажак ШХТ Саммитида қабул қилиниши режалаштирилаётган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ўрин олган.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди.

## ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ



ЮКСАК  
ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА

## ҚАПОТ ҚАЙТДИ, ТОҒ ҚАЙТДИ



## А САПЕРЫ ВСЕГДА ВПЕРЕДИ...



4

5

9

10

# ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ЖИЛОВЛАШ ВА ФУҚАРОЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – АСОСИЙ ВАЗИФА

**И**чки ишлар вазири, генерал-лейтенант П. Бобожонов бошчилигидаги ишчи гуруҳ 3–6 февраль кунлари Навоий вилоятида бўлиб, тизимда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг амалдаги натижалари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида мавжуд муаммоларни ўрганиш ва тезкор хизматларнинг иш фаолияти самарадорлиги билан яқиндан танишди. Шунингдек, мавжуд камчилик ва муаммоларни жойида бартараф этиш чораларини кўрди.

Ички ишлар вазири дастлаб вилоятнинг Қизилтепа туманида бўлиб, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими янги маъмурий биносининг очилиш маросимида иштирок этди. Ишчи гуруҳ аъзолари мазкур масканда яратилган қулайликлар билан танишиб, ички ишлар органлари ходимлари ўз фаолиятини фуқаролик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиши зарурлиги борасидаги фикрларини билдирди. Шу ернинг ўзиде 16 ёшга тўлган бир гуруҳ ёшларга фуқаролик паспортлари тантанали тарзда топширилди.

Шунингдек, Ички ишлар вазири туманда пробация хизмати фаолияти билан танишди. Айтиш ўринлики, мазкур хизмат фаолияти самараси тўғрисида бугунги кунда ҳудуднинг криминоген вазияти яхшиланиб, жиноят содир этишга мойил шахсларни тўғри йўлга йўналтириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Ташриф давомидаги кейинги манзил Кармана туманидаги 1-сонли ИИБ бўлди. Ўрганишлар давомида асосий эътибор фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигига қаратилди. Шунингдек, ишчи гуруҳ вакиллари тумanning 2 ҳамда 3-сонли ИИБ фаолиятини ҳам ўрганишди.


Навоий шаҳар ИИОФМБда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар билан яқиндан танишиш асносида ўтган йил содир этилган жиноятлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари танқидий-таҳлилий руҳда муҳокама этилди. Хусусан, жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари билан етарлича ҳамкорлик йўлга қўйилмагани айтиб ўтилди.

Генерал-лейтенант П. Бобожонов ташриф давомида ҳудудда хизмат қилаётган ёш ходимлар билан учрашди. ИИБ Навоий академик лицейида ташкил этилган учрашувда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси, соҳанинг фидойи, ўз фаолиятида қатор ютуқларни қўлга киритиб келаётган ходимлари, Академия битирувчилари, профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари, лицей ўқув-

чилари ҳамда ходимларнинг ота-оналари иштирок этишди. Самимий руҳда ўтган учрашув давомида Ички ишлар вазири ёшларга қаратилаётган эътибор ва рағбат эртага, албатта, ўз натижасини бериши, мамлакатимиз тараққиётида ёшлар ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани ҳамда келажақда етуқ мутахассис бўлиш учун тинимсиз илм олиши, ўрганиши, янгиликларга интилиши лозимлиги борасидаги фикрларини билдирди.

Сўзга чиққан ёшлар эришган ютуқлари, ўз олдига қўйган мақсадлари ҳамда тақдирлари ҳақида гапиришди. Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси, сенатор

**2019 йил якунига кўра, Навоий вилоятида содир этилган жиноятлар сони 2018 йилга нисбатан 10,2 фоизга, жиноят қидирув соҳасидаги жиноятлар 11,6 фоизга камайди.**



Ташриф сўнггида ишчи гуруҳ томонидан вилоятда ўтказилган ўрганишлар якуни бўйича Ички ишлар бошқармасида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ички ишлар вазири П. Бобожонов, вилоят ҳокими Қ. Турсунов, вилоят ва шаҳар-туман сектор раҳбарлари, шунингдек, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси учун масъул бўлган барча давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, жамоат

борасида масъул идораларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ишларида камчиликлар мавжудлиги, 307 та маҳаллада содир этилган ҳар еттинчи жиноят Меъмор, Кимёгар, Хончарбоғ, Шибзон, Навбахор, Дамариқ ва Бешрабат маҳаллалари ҳиссасига тўғри келаётганлиги таъкидланди. «Жамоатчилик назорати масканлари» фаолиятини йўлга қўйиш, сектор раҳбарлари иштирокида жиноятлар муҳокамасини ўтказиш борасида ҳокимлик, прокуратура, солиқ ва ички ишлар органлари ҳамда жамоатчилик етарли даражада эътибор қаратиши лозимлиги, бу борада аниқ режага асосланган «Йўл харита»сини ишлаб чиқиш кераклиги таъкидланди. Шунингдек, вилоятда криминоген вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳамкорликдаги ишларни кучайтириш бўйича тақдирлар ишлаб чиқилди.

Хотин-қизлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар, ахлоқсиз ҳатти-ҳаракатлар, ажримлар, ўз жонига қасд қилиш каби салбий иллатларнинг олдини олиш борасидаги ишларни танқидий ўрганиб, вилоят Хотин-қизлар кенгаши раиси бошчилигида ишчи гуруҳ тузиб, 2020 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш бўйича манзилли топшириқлар берилди.

Йиғилиш давомида ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармаганлиги учун Навбахор тумани ИИБ бошлиғи Ш. Исматов, Томди тумани ИИБ бошлиғи Б. Бозоров, Қизилтепа ва Хатирчи тумани ИИБ бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари А. Адизов ва Ш. Исматов, Хатирчи тумани профилактика инспекторлари А. Амонтошев ва Ш. Облаев, 11-сонли жазони ижро этиш колонияси бошлиғи ўринбосари Э. Сувонов, 5-сонли жазони ижро этиш колонияси бошлиғи ўринбосари Э. Латипов эғаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Шунингдек, бир қатор ходимларга интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Учрашув якунида сўз олган вилоят ҳокими йиғилишда таъкидланган камчиликлар юзасидан фикр билдириб, келгусида ушбу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича «Йўл харита»ларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берди.

Навоий вилояти ИИБ Ахборот хизмати.



Ж. Ходжаев шаҳар-туман ИИБда ёшлар кутубхоналарини очиш ташаббуси билан чиқиб, бунинг учун Кенгаш томонидан 2500 донна турли адабиётлар ажратилганини айтди.

Учрашув давомида тенгдошларига ўрناк бўлаётган фидойи ёшлар ташаккурнома ҳамда китоблар билан тақдирланди. Қизилтепа туманида фаолият олиб бораётган профилактика инспектори Эркин Олтинов эса хизмат ҳудудида жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда намуна кўрсатганлиги, жамоатчилик ва маҳалла билан мустақкам ҳамкорликни йўлга қўйганлиги учун мuddатидан олдин «катта лейтенант» махсус унвони билан тақдирланди. Шунингдек, тадбир давомида намунали хулқи, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда сидқидилдан хизмат қилаётган ходимларнинг ота-оналарига ташаккурномалар топширилди.

тартибини сақлаш ва фуқароларнинг мол-мулкни ишончли муҳофазалаш, ёшлар иштирокидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар танқидий таҳлил қилинди.

Хусусан, 2019 йил якунига кўра, вилоятда содир этилган жиноятлар сони 2018 йилга нисбатан 10,2 фоизга, жиноят қидирув соҳасидаги жиноятлар 11,6 фоизга, жумладан, қотиллик, оғир тан жароҳати етказиш, талончилик, ўғирлик, фирибгарлик, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари камайгани қайд этилди. Вилоятнинг ҳар учинчи маҳалласида жиноят содир этилмагани, вояга етмаганлар, ёшлар, аёллар, ишсизлар томонидан содир этилган жиноятлар камайгани таъкидланди. Шунингдек, Ички ишлар вазири П. Бобожонов барча туман-шаҳарларда 4 та сектор раҳбарлари иштирокида шахсий таркиб билан суҳбатлар ўтказиб, маҳалла, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш, аҳоли учун хавфсиз шароитларни яратиш борасида топшириқлар берди.

Бундан ташқари, йиғилиш давомида вилоятда жиноятчиликни жиловлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш



ЁШЛАР — КЕЛАЖАК БУЊЁДКОРИ

# ЮКСАҚ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА

**Ю**ртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» фармойишига биноан, «Туркистон» санъат саройида мамлакатимиз Куролли Кучлари ҳарбий қисм ва муассасалари ёшлар етакчиларининг I республика форуми бўлиб ўтди.

Ундан кўзланган асосий мақсад ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда она Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат ва мардлик туйғуларини янада кучайтириш, ушбу соҳада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга давлат ва нодавлат ташкилотлар, шунингдек, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини фаолроқ жалб этиш ҳамда ҳарбий қисм, муассасалардаги ёшлар етакчилари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш тизимини йўлга қўйишдан иборатдир.

Форумда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ички ишлар, Мудо-



фаа, Фавкулотда вазиятлар осойишталиги йўлида Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, жаннатмонанд диёри-мизда ёшларга яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар тўғрисида гапиришди.

Форум доирасида юртимиз хотин-қизларининг ҳарбий хизматчиларга йўллаган табрикномаси ҳамда ёш ҳарбий хизматчиларнинг мамлакатимиз ёшларига мурожаати ўқиб эшиттирилди. Шу билан бирга, Сароисё ва Андижон воқеалари чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларга бағишланган «Мард ўғлонлар номи барҳаёт» номли видеоролик ва ёшларни ватанпарварликка чорловчи ижодий чиқишлар ҳам намойиш этилди.

Анжуманда Куролли Кучларнинг ҳарбий қисм ва муассасаларидаги ёшлар етакчиларига, Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари ҳарбий бўлим бошлиқларига ҳамда ҳуқуқ-тартибот идораларидаги ҳамкор ташки-

лотларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг эсдалик совғалари топширилди.

Форум якунида барча иштирокчилар билан «Ўзбекистон Республикасига садоқат билан хизмат қиламиз!» шiori остида флешмоб ўтказилди.

**Михли САФАРОВ,**  
**«Postda» муҳбири.**  
**Абу КЕНЖАЕВ**  
олган суратлар.



ЯНГИЛИК

## ҚИЗЛАР – ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ЁРДАМЧИСИ

**Ф**арғонада профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси лавозимига 8 нафар қиз қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан ташкил этилган тадбирда Президент Администрацияси ҳамда Ички ишлар вазирлиги масуул ходимларидан иборат ишчи гуруҳнинг вилоятга ташрифи доирасида уларга гувоҳномалар тантанали равишда топширилди.

Фарғона вилояти ИИБ томонидан амалга оширилган бундай ўзига хос амалиёт жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида бевосита аёллар билан ишлашда самарали натижа беришига умид қилинмоқда.

Ана шундай шараф ва бахтга муяссар бўлган қизлардан бири Умидахон Мирзаевадир. У болалигидан ички ишлар органларида



ишлашни орзу қиларди. «Яхши ният — ярим давлат» деганларидек, Умиданинг ҳам орзулари ижобат бўлди.

— Тошкент давлат молия институтини тамомладим, — дейди у. — Мутахассислигим бўйича ишлаётган эдим, ammo профилактика инспектори ёрдамчиси лавозимига синовлар ўтказилаётганини эшитиб, ҳужжатларимни топширдим. Синовлардан муваффақиятли ўтдим. Ҳозирда Фарғона шаҳридаги «Сайлоҳ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ишлаяпман. Мақсадим аёллар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш орқали эл-юрт осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса кўшишдан иборат.

**Абдусит СИДИҚОВ,**  
**«Postda» муҳбири.**  
Фарғона вилояти.

Суратда: Умидахон Мирзаева гувоҳнома олаётган пайт.

МОЛОДЕЖЬ – НАШЕ БУДУЩЕЕ

# АКТИВНАЯ, ОТВЕТСТВЕННАЯ, ЭНЕРГИЧНАЯ

Недавно глава государства Шавкат Мирзиёев, выступая на первом заседании Сената Олий Мажлиса, отметил о необходимости усиления контроля над деятельностью государственных органов, направленной на повышение роли женщины в обществе

В частности, 16 представительниц прекрасного пола были назначены на руководящие должности в подразделениях ГУВД г. Ташкента. Одну из них – лейтенанта Гавхар Алиахунову назначили начальником отдела профилактики правонарушений Алмазарского УКД ОВД. Она любит свою работу и гордится тем, что вносит личный вклад в обеспечение законности и порядка. Молодая сотрудница подает большие надежды, отличается доброжелательностью, открытостью, добротой.

Эти черты характера отмечают и сослуживцы Гавхар,

которые бок о бок с ней несут службу по охране правопорядка в районе. На трудности службы она жаловаться не привыкла, напротив, успешно выполняет все поставленные задачи.

Уроженка Бостанлыкского района столичной области, Гавхар родилась в интеллигентной семье, ее родители имеют высшее образование. В роду никто в органах внутренних дел не служил. Откуда же в ней появилось стремление встать в ряды защитников законности и правопорядка?

Как отмечает Гавхар, она с детства мечтала о работе в



правоохранительных органах. Ответственная и энергичная, она активно участвовала во всех школьных мероприятиях, имела организаторские способности, часто выступала инициатором проведения различных конкурсов.

Спустя годы Гавхар стала работать по призванию – в

органах внутренних дел. Поступила на службу рядовым сотрудником в подразделение обеспечения безопасности на транспорте МВД, затем работала в специальной группе «Патруль добра». В марте прошлого года целенаправленно, активную

и подающую большие надежды Гавхар назначили старшим инспектором профилактики правонарушений среди несовершеннолетних и молодежи опорных пунктов отделения профилактики правонарушений ОВД № 1 Алмазарского УКД ОВД. В октябре того же года она стала старшим инспектором группы методического обеспечения и координации деятельности инспекторов профилактики и их помощников, организации взаимодействия с общественными объединениями.

Лейтенант Алиахунова признается, что любит свою работу и гордится тем, что благодаря сотрудникам органов внутренних дел торжествуют закон и порядок.

Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,  
корреспондент «На посту».

## ДОСТИГАТЬ УСПЕХОВ САМООТВЕРЖЕННОЙ СЛУЖБОЙ

Молодежь – движущая сила, определяющая будущее нашей страны. Она принимает активное участие в процессах обновления и дальнейшего развития общества и государства

Ряды специалистов органов внутренних дел ежегодно пополняют сотни молодых сотрудников. Вместе с опытными наставниками, они выполняют ответственные задачи по противодействию преступности, ее профилактике, обеспечению общественной безопасности, мира и благополучной жизни граждан. Один из них – лейтенант Боходир Мирзаев.

– По завершении обучения в 2019 году в Академии МВД Республики Узбекистан, для продолжения прохождения службы я был направлен в родную Сырдарьинскую область. В настоящее время в соответствии со специальностью работаю инспектором профилактики ОПП ОВД Баяутского района, – рассказывает лейтенант Б. Мирзаев. – Службу несут под руководством наставников – капитана Жасура Холбоева, старшего лейтенанта Бахрома Хакимова. Их ценные советы в вопросах организации профилактической работы на вверенной территории, производства дел об административных правонарушениях помогают мне в каждодневной профессиональной деятельности.

Годы обучения в Академии дали молодому специалисту глубокую теоретическую подготовку в области права и правоприменения, профессиональные навыки, необходимые для работы инспектором профилактики.

На вверенной лейтенанту Б. Мирзаеву территории проживает более 5 400 человек. Здесь функционируют три общеобразовательные школы, поэтому особое внимание уделяется работе по предупреждению правонарушений среди несовершеннолетних и молодежи, повышению их правовой культуры и правосознания.

– Мы всегда можем положиться на помощь председателей МСГ Дусата Анаркулова, Фархода Эгамбердиева, принимающих непосредственное участие в организации профилактических бесед, встреч сельской молодежи с уважаемыми представителями старшего поколения, – подчеркивает лейтенант Мирзаев.

– Боходир работает с большой отдачей, – говорит старший инспектор профилактики старший лейтенант Бахром Хакимов. – Убежден, что в молодом сотруднике заложен потенциал для отличной и результативной службы.

Нам же остается пожелать лейтенанту Боходир Мирзаеву не останавливаться на достигнутом, продолжать осваивать тонкости профессии, опираясь на опыт старших товарищей, самоотверженной службой достигать успехов в профессиональной деятельности.

Радик ТУМШАРОВ,  
корреспондент «На посту».  
Сырдарьинская область.



## БРИФИНГ ДЛЯ ЖУРНАЛИСТОВ И БЛОГЕРОВ

Работникам печатных, электронных СМИ, телерадиоканалов, блогерам рассказали о новшествах, внедренных в регистрационно-экзаменационном отделе (РЭО) УБДД ГУВД г. Ташкента, связанных с процессом сдачи экзаменов на водительские права, а также о созданных для посетителей удобствах

Теперь по инициативе руководства ГУВД г. Ташкента, на основе специально разработанной программы, экзаменуемый может самостоятельно ввести паспортные данные и пройти тесты в режиме онлайн.

Гости стали свидетелями того, как родственники экзаменуемого в режиме реального времени могут следить за процессом прохождения тестов посредством двух мониторов, установленных в зале ожидания. А граждане, желающие проверить себя на знание ПДД, могли сделать это с помощью тестового монитора «Авто-тест», также установленного в зале ожидания.

В отделе созданы все условия для посетителей. В зонах ожидания каждого регистрационно-экзаменационного отделения действует wi-fi, увеличено количество пунктов приема граждан, созданы отдельные пункты – для инвалидов, женщин, пожилых и молодежи. Залы ожидания оборудованы мягкой мебелью, кондиционерами, электронными магазинами, телевизором.

В заключение брифинга присутствующим презентовали новый проект строительства административного здания РЭО УБДД ГУВД столицы и инновационного автодрома, который планируется завершить в течение 2020 года.

Дийр-Ильхом ИСХАКОВ.

ФАРМОН ВА ИЖРО

# ҚАНОТ ҚАЙТДИ, ТОҒ ҚАЙТДИ

■ Бахт деган тушунчани ҳар ким ҳар хил тасаввур қилади. Кимдир уни тинчлик-хотиржамлик ёки сиҳат-саломатликда, бошқа биров оила, дўстлар, яхши даромадли ишда, деб билади. Умуман, бахт ҳақида гап борганда, ҳар ким уни ўз дунёқарашини, тафаккури, қаричи билан ўлғайди. Маҳкумлиқдаги одам учун эса озодлик, оиласи бағрида бўлиш бахт.

Шу боис адашиб жиноят йўлига кирган ва содир этган қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган инсонларга яна бир бор имкон бериш, уларни тўғри йўлга, оиласи бағрига қайтариш давлатимиз олдида турган муҳим масалалардан бирига айланди. Зеро, адашганлар ҳам шу мамлакат фуқароларидир.

Президентимизнинг Жорий йил 4 февралдаги фармонида кўра оиласи бағрига қайтган шахслар учун қоронғи тун чекиниб, тонг отгандай, булутлар орасидан куёш кулиб чиққандай бўлди. Уларнинг оилаларига шодлик қайтди. Болалар учун ота қайтди, она қайтди, бахт қайтди, қанот қайтди, тоғ қайтди, ғурур қайтди...

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида: «Сизларга маълумки, кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган инсонпарвар сиёсат тўғрисида тўғри йўлдан адашган, билиб-билмай хатога қўл урган фуқароларни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда ҳам диний экстремистик йўлга кириб қолганидан чин дилдан пушаймон бўлган шахсларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш, уларни жамиятга мослаштириш бўйича ишлар давом эттирилади».

деган эди. Ушбу фармон бу сўзларнинг амалдаги исботи бўлди.

Аслида жиноят қилганларни афв этиш жўнгина кечадиган жараён эмас. Бу тadbирнинг ҳикмати шундаки, у орқали ҳаётда билиб-билмай қоқилган кишига тўғри йўлни топиб олиши учун имконият берилди. Виждони, диёнати билан яқкама-яқка мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини тафаккурдан ўтказиш муҳити яратилди.

Хусусан, Президентимиз афв этиши унинг ишонч билдириши деганидир.

Бундай масъулияти жуда катта. Бундай ишончини оқлаш, унга муносиб бўлиш инсоний бурч. Афв бу меҳр-мурувват дегани. Оғир кунингда сенга кўрсатилган меҳр-мурувватга муносиб жавоб бермоқ лозим. Яхшиликнинг жавоби фақат яхшилик бўлмоғи керак, дейилади улуг боболаримиз ўғитларида. Афв дегани, имкон дегани, тўғри йўлга қайтиб, ҳаётнинг, оиланинг, фарзандларнинг қадрига етиб яшаш учун берилган имкон дегани.


— Жазо муддатини ўташим давомида аёлнинг бахти оила билан, фарзанди бахти билан тўлиқ, деган тушунчани тўлақонли англаб етдим. Жазони ижро этиш муассасасида туну кун болаларимни ўйлардим. «Фарзандларим қандай ўқияпти, уларнинг қорни тўқми, усти бутми, касал бўлиб қолишмадимикин?» деб ич-этим эзиларди. Мана, бугун Юртбошимизнинг фармонида асосан, муддатидан олдин озод этиляпман. Оилам бағрига қайтсам, қолган умримни бой берилган имкониятлар ўрнини тўлдириб яшашга сарфлайман деб, ўзимга сўз берганман. Албатта, бу сўзимнинг устидан чикаман, — дейди афв этилган аёллардан бири.

— Аввало, биз адашганларни кечирган Президентимиз ҳамда бағрикенг халқимизга мингдан-миг раҳмат, — дейди 48-сонли манзил колонияда жазо муддатини ўтаган маҳкум. — Ҳар бир нарсанинг қадри йўқотилганда билинар экан. Мен ҳам озодликнинг қадрини панжара ортига тушганимда ҳис этдим. Озодликдан маҳрум этилиб, ота-онамнинг дуосини ололмадим, хизматини қилолмадим. Ақаларимнинг бошини эгдим. Ҳечдан кўра кеч, деганларидек, оилам бағрига қайтгач, яқинларимга бор меҳримни берман, фарзандларимни Ватанимизга содиқ инсонлар қилиб тарбиялайман.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи Р. Ю. содир этган жинояти сабаб 7 йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Бугун у халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлиликнинг амалдаги ифодаси бўлиши Юртбошимизнинг афв этиш тўғрисидаги фармонига асосан, муддатидан олдин жазодан озод этилди, муштипар онасининг бағрига қайтди.

— Ўғлимни ёлғиз бошим билан воёга етказдим, тарбияладим, олий маълумотли қилдим, — дейди унинг онаси. — Аммо дарё хамиша тиник оқмайди, деганларидек, ўғлим ҳам билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолди. Уни афв этгани учун Юртбошимиз ҳаққига доим дуодаман. Ўғлимнинг орзулари кўп. Ўзи танлаган соҳа бўйича ҳалол меҳнат қилиб, эл қорига ярашга қатъий бел боғлаган. Яхши кунларимиз олдинда. Аллоҳ насиб қилса, бу ёғи тўй!

Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,  
майор.



14 ФЕВРАЛЬ – ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

# ТАРИХНИНГ СИРЛИ САҲИФАЛАРИ

Дунё яралибдики, инсониятни ҳайратга солувчи ҳар бир нарса ёхуд ҳодисанинг ўзига хос, айримларининг эса сирли тарихи бор. Кўхинур — ана шундай энг қадимий, машҳур ва сирли олмослардан саналади. Буюк Британия қироличаси Елизавета Иккинчининг тожини безаб турган бу олмос бугунгача неча асрлар суронидан ўтиб, қанчадан-қанча саргузаштларни бошидан кечирганига тарих гувоҳ.

Кўхинур ҳақидаги илк ёзма манбалар 1300 йилларга бориб тақалади. Бироқ унинг тарихи беш минг йилдан ошикроқ деган қарашлар мавжуд. Ривоятларга кўра, минг йиллар муқаддам Жамна дарёси бўйида сайр қилиб юрган филбонлар бошидан аллақандай нур таралаётган болани кўриб қолишади. Разм солиб қарашса, унинг қалпоғига тухумдек келадиган олмос қадалган экан. Айтишларича, бу оддий бола эмас, балки Куёш маъбуди Карнанинг ўғли эмиш. Одамлар бу олмос тўғрисида Жамна бўйида юзага келган Мальва давлатида минг йиллар мобайнида фаровонлик, тўқин-сочинлик ҳукмрон бўлганига ишонишган. Олмос ҳар доим мамлакат ҳукмдор тожини безаб келган. Халқ ақидасига кўра, у тождан олмас, бутун мамлакат бошига қулфат ёғилиши, халқ қўлиқча тушиб қолиши мукаррар эди.

1304 йилда Дехли султони Алоуддин Хилжий Мальвани забт этиб, олмосни ҳам қўлга киритади. Шу тариқа, у икки аср давомида Дехли султонлиги хазинасида сақланиб келади.

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонни фатҳ этиб, Бобурийлар сулоласига асос солди. Машҳур Панипат жангида рожа Бикраможитнинг ўғли Бобур кўшинида асир тушади. Бобурнинг ўғли Хумоюн Мирзо хинд шаҳзадасини асирликдан озод этади.

Бу ота-боболаримизнинг нечоғлик мард, танти ва бағрикенг эканлигининг яна бир ёркин намунаси эди. Ўз навбатида, шаҳзода-нинг онаси миннатдорлик рамзи сифатида олмосни Хумоюн Мирзога тўхфа қилади. Бу воқеа олмос ҳар қанча қимматбахо бўлмасин, она учун жигарбандидан азиз эмаслигига далил сифатида хануз тилдан-тилга кўчиб келаётир.

Хумоюн Мирзо бу олмосни отасига ҳадя қилади. Бироқ Хумоюн номаълум хасталикка учраб, ўлим тўшагига ётганида уламолар ушбу олмосни садақа қилиш кераклигини айтишади. Уни ўғлининг мулки деб билган Бобур Мирзо олмос ўрнига ўз жонини инсор этишни афзал кўради. Отанинг ўғли соғайиши учун қилган дуолари ижобат бўлиб, Хумоюн тез орада тубалиб кетади.

Бобурнинг эътироф этишича, қиммати «Тамоми оламнинг икки ярим кунлик сарфига баробар» бўлган бу олмос Бобурийларнинг ҳукмронлик белгиси бўлган «Товус тахти»га ўрнатилган экан...

1739 йилда Ҳиндистонга юриш қилган Эрон шоҳи Нодиршоҳ бу юртдан қўллаб

ўлжалар, жумладан, «Товус тахти»ни ҳам қўлга киритади. Бироқ негадир тахт тепасидаги олмос йўқолиб қолганди. Шох бутун мамлакат бўйлаб ўз одамларига олмосни қидиришни буюради. Чунки уни қўлга киритган ҳукмдор жуда катта қудратга эга бўлишни яхши биларди.

Ҳарам хизматчиларидан бири олмос шаҳзода Муҳаммадининг салласида эканини айтади. Сулҳ тузилган, куч ишлатиш мумкин эмасди. Шунда Нодиршоҳ хийла йўлига ўтади. У бошидаги саллани олиб, шаҳзода-ники билан алмаштиришни сўради. Шарқ дипломатиясида бу чуқур ҳурмат белгиси бўлиб, бироқ ҳукмдор бу таклифни рад этиши мумкин эмасди. Шаҳзода саллани алмаштиришга мажбур бўлади.

Шох салла қатида товланиб турган олмосни кўриб, «бу Кўхи нур-ку» дея хитоб қилади. Шу тариқа, тарихий олмос «Кўхинур» номини олади.

1747 йилда Нодиршоҳ фитна сабабли қатл этилади ва тахтга унинг кичик ўғли Шохруҳ ўтиради. Бироқ у ҳам кўп ўтмасдан тахтдан ағдарилади. Душманлари ундан олмосни олиш учун қаттиқ уринади. Аммо Шохруҳ уни яқин саркардаси Аҳмадшоҳга берганди.

Аҳмадшоҳ кўп ўтмасдан Қандаҳорни эгаллайди ва янги сулола ҳамда Афғонистон давлатига асос солади. Дурронийлар сулоласи вакиллари ўртасида бу олмос учун кураш йиллар бўйи давом этди. Шаҳ-

зодалардан бири Шужоъулмулк уни олиб, Лаҳорга қочади. Панжоб роҳаси Ранжит Сингх олмосни ундан зўравонлик йўли билан тортиб олади.

Шундан сўнг рожа бутун Панжобни бирлаштириб, қучли давлатга асос солади. У Ҳиндистонни ҳам оёққа тургазиб, инглизларга қарши кураш режасини тузган. Бироқ инглизларнинг мислсиз куч-қувватга эга эканини кўриб, фикридан қайтади. Шунингдек, у олмоснинг қонли тарихидан ҳам хабардор эди. У олмосни ибодатхонага ҳадя сифатида топширмоқчи эди. Аммо кўп ўтмай, рожа вафот этади. Олмос то инглизлар мустамлакасига қадар унинг хазинасида қилиб кетади.

1849 йилда Лаҳор инглизлар ихтиёрига ўтади. 1851 йилда «Ост-Индия» компанияси раҳбари Ж. В. Логг чуқур эҳтиром рамзи ўлароқ, олмосни қиролича Викторияга тақдим этади. Қиролича унинг ўз соҳибига мислсиз шон-шўҳрат билан бирга, қулфат ва мусибатлар келтириши ҳам мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилган эди. Бироқ бу гап-сўзларга парво қилмай, олмосни ўз тожига қадайдди.

1852 йилда қироличанинг топшириғига кўра, олмос сайқаллаш учун Амстердамга юборилади. Сайқал натижасида у ўз ҳажми ва вазнини қарийб икки баравар камайтиради: 191 қаратли олмос 109 қаратга тушиб қолади.

Шу тариқа, у Буюк Британия Виндзорлар сулоласининг миллий бойлигига айланади. Айна дамда қимматбахо олмос қиролича Елизавета Иккинчининг тожлари қаторида Тауэр музейида сақланади.

Хуршида АБДУСАМАДОВА,  
ўқитувчи.

Яхши кишиларни Яратган яхши дўстлар билан сийлайди.

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

ЕСТЬ ТАКАЯ СЛУЖБА

# А саперы всегда впереди...

**Личный состав 9-го специального отряда по Андижанской области Управления координации специальных операций по обнаружению и обезвреживанию взрывоопасных предметов МВД Республики Узбекистан выполняет ответственные задачи**

— Кроме обнаружения и обезвреживания взрывоопасных предметов, сотрудники подразделения участвуют в мероприятиях по обеспечению безопасности граждан во время проведения спортивных и культурно-массовых мероприятий, — рассказывает командир 9-го специального отряда подполковник Шерзод Холматов. — Подразделение оснащено современной аппаратурой и техникой. Многоцелевой робот-манипулятор Digital Vanguard ROV предназначен для наблюдения и тактических миссий, реагирования на опасные материалы, угрозы взрыва. Низкий профиль, маневренность и скорость позволяют использовать его в труднодоступных и ограниченных пространствах, например, под транспортными средствами, в узких проходах и отсеках самолетов, автобусов и поездов. Робот снабжен телескопическим манипулятором и может использоваться для работы с взрывоопасными устройствами, в том числе такими, как камеры, электронное и рентгеновское оборудование.

Детектор нелинейных переходов «Коршун» предназначен для обнаружения взрывных устройств и других технических средств, содержащих полупроводниковые компоненты. «Коршун» способен обнаруживать цели, установленные за различными преградами: в стене, грунте, в снегу, под асфальтовым и бетонным покрытиями дорог, минно-взрывные устройства с взрывателями нажимного и натяжного действия. «Коршун» применяется для проверки дорог, местности и отдельных объектов на наличие мин, самодельных взрывных устройств и других взрывоопасных предметов, содержащих электронные компоненты.

В 2019 году личный состав подразделения неоднократно участвовал в мероприятиях по обеспечению безопасности граждан в аэропорту, центральном вокзале города Андижана, местах скопления людей, массовых концертах и спортивных мероприятиях.

14 декабря прошлого года члены избирательной комиссии избирательного участка № 630 горо-

да Андижана обнаружили в одном из помещений хозяйственную сумку, в которой находился предмет, похожий на гранату. О происшествии они немедленно сообщили в ГУВД. На место выехали специалисты 9-го специального отряда. В сумке находилась учебная граната Ф-1 — пособие для проведения занятий по начальной военной подготовке. Преподаватель начальной военной подготовки Д. Э. положил муляж гранаты, чтобы продемонстрировать его ученикам во время урока. В отношении Д. Э. был составлен протокол, ему назначили административное взыскание.

21 декабря 2019 года в дежурную часть УВД Андижанской области поступил тревожный звонок из школы № 11 Асакинского района. Один из учителей взволнованным голосом сообщил, что во время уборки заброшенного склада был обнаружен ящик с боеприпасами.

Специалисты специального отряда, прибыв на место, установили, что в ящике находятся учебная противопехотная мина, имитационная ручная граната, 43 муляжа запалов к гранатам и 6 имитационных ударных механизмов для учебных гранат. Учебное вооружение было изъято.

Кроме сложных современных электронных поисковых аппаратов и оборудования, сотрудники специ-

опасных предметов МВД Республики Узбекистан.

Отлично справляются со своими служебными обязанностями, проявляют профессионализм и бдительность такие сотрудники, как командиры групп — майор Султонмурод Ташланбаев, старший лейтенант Мурод Рахмонов, старший специалист капитан Тархон Гафаров, специалист-кинолог сержант Сарвар Кодиров, специалист-кинолог рядовой Умид Абдурашидов.

Почти весь личный состав состоит из офицеров, имеющих специальное образование. Тренировки сотрудникам спецподразделения необходимы. Если обнаружен подозрительный предмет, его осматривают, чтобы понять, что это — взрывное устройство или просто пакет с мусором. Обследование проводят двое: кинолог и сапер. Оба облачены в шлем и бронезилет и имеют блокиратор радиоуправляемых устройств. Все обмундирование весит почти пятнадцать килограммов. После установки блокиратора злоумышленники уже не смогут взорвать бомбу, например, с помощью мобильного телефона.



Служебная собака определяет наличие взрывчатки. Дальше действует робот, которым управляют с безопасного расстояния. Его задача — перенести бомбу на подрывную площадку. Место взрыва осматривает сапер в

защитном костюме. Костюм сапера весит около 40 килограммов и имеет серьезную степень защиты.

Таковы будни сотрудников 9-го специального отряда по Андижанской области Управления координации специальных операций по обнаружению и обезвреживанию взрывоопасных предметов МВД Республики Узбекистан, которые не имеют права на ошибку...

**Борис КЛЕЙМАН,**  
корреспондент «На посту».  
Фото автора.

Андижанская область.



К 75-ЛЕТИЮ ПОБЕДЫ

# ВОЙНА УЧИТ ЦЕНИТЬ МИР

— Годы, к сожалению, летят день за днем, как птицы... Но жизнь не раз доказывала, что счастье не в том, сколько ты прожил, а в том, как ты жил, — считает участник Второй мировой войны Бектемир Каршибоев, которому в этом году исполнится 96 лет

Он не понаслышке знает о том сложном времени и сегодня, рассказывая о войне, переживает так, будто все, о чем вспоминает, происходило совсем недавно.

Бектемир Каршибоев с тяжелым сердцем рассказывал о пережитом, годах войны, лишениях, погибших друзьях, фронтовых буднях. Вспоминал, как в годы службы в органах внутренних дел ему выделили 4-комнатную квартиру в центре города. Поделился тем, что рад вниманию, уделяемому правительством ветеранам войны. Показал десятки боевых медалей и памятных наград и самое ценное — подарок от Президента — золотые наручные часы.

В преддверии Дня памяти и почестей его дом полон людьми. Сюда приходят и стар и млад. Всем интересно услышать историю солдата Второй мировой, который внес свой вклад в победу над фашизмом.



— Я не помню своих родителей — когда их не стало, я был еще совсем маленьким, — с грустью говорит Бектемир ота. — Родился в Булунгурском районе. Растили меня сестры, которых, к сожалению, уже нет в живых. Собственного дома у нас не было, мы жили у родственников. С раннего детства присматривал за скотом сельчан. В 16 лет добровольцем ушел на фронт. 4 августа 1942 года меня направили в Сталинград.

По словам Б. Каршибоева, его служба началась с 81-го железнодорожного полка,

где ему и еще нескольким ребятам была доверена охрана безопасности железнодорожных вагонов, направлявшихся на фронт.

— Мы понимали, что каждый груз имеет особую ценность, будь то боеприпасы или продукты питания, — продолжает наш собеседник. — Вспоминается, как в мороз мы следили за тем, чтобы на состав не напали фашисты. Было очень страшно во время бомбежки. В одной из бомбардировок я получил ранения — в спину, плечо и глаза. После службы вернул-

ся в родное село, где многое поменялось за годы войны.

Бектемир всегда мечтал служить в органах внутренних дел, поэтому, недолго думая, направился в Самарканд к руководству УВД области. Пройдя собеседование, он стал сотрудником охранный подразделения городской тюрьмы, расположенной в Богишамальском районе. В 1960 году учреждение переехало в Каттакурган, а его направили в управление охраны области. В 1979 году Бектемир Каршибоев вышел на пенсию.

Несмотря на преклонный возраст, наш герой полон сил и энергии. Любимым его занятием является уход за фруктовым садом. В этом ему помогает жена, Бахор Каршибоева, вместе с которой они вырастили и воспитали четверых сыновей.

— Я вышла замуж в 17 лет, — вспоминает супруга ветерана. — В те годы муж работал сотрудником охранный подразделения городской тюрьмы, и нам выдали комнатку в общежитии. Долгие годы мы жили в этой комнатке, вырастили там троих сыновей. Я помню, как по очереди подходили к плите, чтобы подогреть кашу, приготовить еду. Сколько сложностей пришлось пережить! В 1970-е нам дали квартиру, о которой мы уже не мечтали. Сейчас другая жизнь, молодежь должна ценить мир.

— Главным богатством, конечно, являются дети и любящая супруга. Один из сыновей служил в органах внутренних дел. Сейчас все они находятся на заслуженном отдыхе. Я благодарен судьбе за то, что встретил Бахор, с которой мы прожили 68 лет. Моя жена — моя опора и поддержка, — заключил Бектемир Каршибоев.

**Замира БАЛТАЕВА,**  
корреспондент  
«На посту».

Фото автора.  
Самаркандская область.

МЫ ПРОТИВ КОРРУПЦИИ

Инспектора дорожно-патрульной службы обеспечивают порядок на дорогах, регулируют движение, предупреждают различные правонарушения и возможные чрезвычайные ситуации. Однако некоторые граждане, нарушая не только Правила дорожного движения, но и нормы морали, пытаются «замять дело» с помощью взятки

Рядовой Фаррух Атаев больше года служит в должности инспектора мобильной группы № 3 ДПС УБДД УВД Бухарской области. До этого на протяжении шести лет он работал в службе охраны.

В декабре прошлого года гражданин С. О. обратился к нему с «выгодным» предложением. Он попросил помочь со сдачей экзаменов на получение водительских прав.

## ПРЕДАННЫЙ ПРОФЕССИИ

— Каждый заплатит по 100 долларов США в качестве благодарности, — заискивающе улыбнулся С. О., ожидая реакции инспектора.

— Это противозаконно, — ответил Фаррух Атаев. — Пусть приходят на экзамен и сдают в установленном законом порядке. Как может водитель, не пройдя экзамен, управлять автомобилем?! Даже если один раз провалится, в следующий раз обязательно сдаст.

Однако С. О. был настойчив: еще пару раз встретился с инспектором, настаивая на своем. Тогда рядовой Ф. Атаев написал рапорт на имя начальника УБДД УВД области.

25 декабря прошлого года в ходе оперативного мероприятия, проведенного совместно с сотрудниками правоохранительных органов, гражданин С. О. был задержан во время передачи взятки в размере 1 миллиона 800 тысяч сумов.

По данному факту Бухарская городская прокуратура возбудила



уголовное дело, ведется следствие, а рядовой Фаррух Атаев доказал, что является настоящим стражем порядка и законности.

**Мирзокул АХАДОВ,**  
корреспондент «Postda».  
Бухарская область.

«Коррупция — это когда власть служит сама себе, а не гражданам».  
Восточная мудрость.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ:

## У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

### ЭЗГУ ФИКР, ЭЗГУ СЎЗ, ЭЗГУ АМАЛ

Халқимиз азалдан маънавиятнинг уч илдизи – эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалга таяниб не-не долгали замонлардан, синовлардан эсон-омон ўтган, халқ сифатида, миллат сифатида ўзлигини сақлаб қолган. Бугунги авлод босқин ва истилолар, энг оғир, мураккаб шароитда ҳам маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшаган аждодларнинг давомчиларидир. Шундай экан, биз фикр ва ғояда ҳам, сўз ва ишда ҳам эзгу фазилатлар ва интилишларни устувор билишимиз лозим.

Ички ишлар органлари ходимларининг маънавий қиёфаси, уни қандай шакллантириш ва ривожлантириш ҳақида сўз бораркан, биринчи навбатда, Ватан туйғуси, унга дахлдорлик ҳисси ҳаёлимиздан ўтади. Айниқса, табиатга, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиш ҳам ички ишлар органлари ходимларининг маънавиятини белгилловчи омиллардир.

Дарҳақиқат, давлат ва жамият тараққиётига, халқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришига хизмат қилиш, зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариш, ўз олдига эзгу, буюк мақсадлар қўйиб яшаш, ҳалол-пок бўлиш, юрт ва халқ манфаатларини ўз манфаатларидан устун билиш, одамларнинг бахт-саодати йўлида жонфидолик ҳар бир ички ишлар органи ходимининг маънавий қиёфасига чизги бўла олади.

Аёнки, маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт-саодат бўлмаган, бўлмайди ҳам. Бинобарин, жаҳон айвонида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Ҳар бир инсон, у қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар, ўзликни, инсоний қадр-қимматини англаб етиши ва маънавиятини тараққий эттириши даркор.

*Маънавият инсонни инсон қиладиган омил сифатида унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у ҳар бир одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида алоҳида ўрин тутлади. Бир сўз билан айтганда, маънавият – ҳар қандай жамият аъзосининг зоҳирий ва ботиний дунёсини белгилаб берадиган мезон, уни руҳан покланиб, қалбдан улгайишга чорлайдиган, ирода ва иймон-эътиқодини мустаҳкам қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс кучдир.*



### ПОК ВИЖДОН, БЕДОР ҚАЛБ БИЛАН

Бу олам саҳнидаги ҳар бир одам ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий мақсад деб билиши лозим. Бу талаб биринчилардан бўлиб, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига тааллуқли. Шундагина бу ёруғ оламда маънавият ҳамиша барқарор, эзгу ишлар бардавом, ёвузлик мағлуб бўлади. Ахир, халқимизнинг онгу шуурига синғиб кетган «Поклик – иймондандир» деган ҳикмат бежиз яралмаган.

Аслида ҳам виждон поклиги ва қалб бедорлиги инсон маънавиятининг таянч устунларидан биридир. Кишилик жамиятида адолат ва ҳақиқат, меҳр-шафқат, инсофу диёнат каби тушунчаларни қарор топтириш ҳам айнан лоқайдликка му-

росасиз, виждони уйғоқ одамларнинг кўплигига боғлиқ. Чунки виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди.

Айниқса, халқ манфаатларига хизмат қилишни муқаддас бурчга айлантирган ички ишлар органлари ходимлари эл-юрт манфаати-га зарар етказадиган ҳар қандай ёвуз хатти-ҳаракатга кўксини қалқон қиладди, киндик қони томган, ота-боболарининг хоки тубро бўлган она заминга ва унинг халқига нисбатан ҳиёнат ва сотқинликни асло кечирмайди. Безовта қалб, бедор виждонли ходим бундай ҳолатларни бар-тараф этишга интилади, керак бўлса, бу йўлда ҳатто жонини ҳам аямайди. Бунга ички ишлар органларида узоқ йиллар фидокорона фаолият юритган катта авлод вакиллари ва ҳозирги кунда сидқидилдан хизмат қиладиган ходимлар ҳаётдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

### САОДАТ СОҲИЛГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Ички ишлар органлари ходимларининг маънавий қиёфасини шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил таълим-тарбия тизимидир. Дунё тамаддунининг тамал тошини қўйган буюк аждодларимиз бежиз илму маърифат, таълим-тарбияни инсон камолоти, миллат равақининг энг асосий шарт ва гарови, деб билишмаган. Чунки у инсон онгу шуу-рининг даражаси ва тараққийсини белгилаб берадиган, маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир.

Шу боис кейинги уч йил мобайнида Ички ишлар вазирлиги тизимидаги таълим тизими ҳам тубдан такомиллаштирилди. Зеро, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни юксалтириш, унинг тараққийсига эришиш имконсиздир. Бу соҳадаги дастлабки қадам сифатида пойтахтда, Қорақалпоғистон Республикасида ва ҳар бир вилоятда Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари очилди ҳамда уларга келажакда халқ манфаатлари йўлида хизмат қилишни олий саодат деб биладиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлишга интиладиган ёш йигит-қизлар қабул қилинди. Дастлабки натижаларнинг ўзидек бу тўғри танлов бўлганини кўрсатди.

Ички ишлар органлари учун малакали кадрлар тайёрлаш, ходимларни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, комил инсонлар этиб тарбиялашни асосий мақсади ва вазифаси деб билган ИИБ Академияси жамоасида ҳам жиддий ўсиш кузатилди. Хусусан, таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда микдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтилди. Яъни, ўқув мuddатлари қисқартирилди, замон талабидан келиб чиққан ҳолда, янги йўналишлар жорий этилди. Академиянинг моддий-техник базаси янгиланди ва бойитилди. Энг муҳими, бўлажак ички ишлар органлари ходимларининг маънавиятини бойитадиган янги авлод адабиётлари яратилди.

Шунингдек, таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида сиртки таълим, раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимлари тақомиллаштирилиб, давр руҳига мос келадиган замонавий технологиялар ва ўқув адабиётлари билан таъминланди.

### ХУЛОСА ЎРИНДА

*Нафсиламрини айтганда, бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзликни англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин. Бинобарин, ички ишлар органлари ходимларининг маънавий қиёфасини шакллантириш ва ривожлантириш ҳозирги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир.*

Ўз мухбиримиз.





ГАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ЖАНГЧИНИНГ АРМОНИ

Шам ёруғида уйдан келган хатни ўқиётган жангчининг бўғзига нимадир тиқилиб, оиласини, яқинларини қаттиқ соғинганини ҳис қилди. Онасининг соғинч билан, ўкинч билан ёзганлари унинг қалбини ўртаб юборди. Хатда онаси уни жуда соғинганини таъкидлаб, уруш тезроқ тугаб, уйга соғ-омон қайтишини тилаб кеча-кундуз дуо қилаётганини ёзганди. Аскар онасининг саводи йўқлигини келинига айтиб туриб ёздирганини яхши билади. Шундай бўлса-да, онаизорнинг ҳар бир гапни йиғлаб-йиғлаб ёздиргани шундоққина сезилиб турарди. Хатда яна ўғилчаси бидирлаб гапира бошлагани, худди унинг ўзига ўхшаган шўх, қайсар бўлгани айтилганди.



Хатни ўқиб бўлгач, Фулом мижжаларига сизиб чиққан ёшни қуролдошларига кўрсатмаслик учун тезда артиб олиб, жилмайишга уринди. Аста ёнидагиларга назар ташлади.

— Нима гап, жангчи? Хотинингдан хат олдингми, маъюс тортиб қолдинг?

— Онамдан.

— Яхши-ку, онанг бор экан. У сени ҳаммадан кўп, ҳаммадан кўра интизор бўлиб кутади. Менинг эса ота-онам йўқ, кутадиганим ҳам йўқ ҳисоби.

Фулом сафдошининг дард чекаётганини, у билан бу мавзуда гаплашиш жанговар руҳиятга салбий таъсир қилишини сезиб, мавзунини бошқа томонга бурди.

— Штабга бориб келибсан, қандай янгиликлар бор.

— Янгиликлар зўр, — деди жангчи мамнун жилмайиб.

— Ўттиз еттинчи дивизия жангчилари тўққиз минг кишилик гарнизон ҳимоясида турган Грудзид шаҳрини забт этишибди. Кеча ҳамюртимиз, генерал-майор Собир Раҳимов бошлиқ дивизия Гданьск шаҳрига кирибди. Ғалаба яқинлашиб қолганга ўхшайди, ҳамма шуни гапиряпти. Айниқса, Собир Раҳимовнинг жасорати тилларда дoston. Тайинланганига тўрт ой бўлиб, шунча иш кўрсатипти, қойил. Бу ўзбек генерали бизнинг ҳам фахримиз, жангчи.

Унинг гапларидан Фулом яна ширин хаёлларга берилди. Ахир урушга келганидан бери генерал-майор Собир

Раҳимов билан учрашиш, лоақал узокдан бўлса ҳам, бир бора кўриш орзуси-ку. Аммо фақат генералнинг жангларда кўрсатган жасорати, уддабуронлиги ҳақида эшитар, у билан бир юрт фарзанди эканидан ғурурланар, унинг дийдорини кўриш орзуси билан ёнарди. Собир Раҳимов билан учрашсам, албатта, бирга суратга тушиб уйга жўнатаман, онам ҳаммага мақтаниб юради, дея ўйларди у.

1944 йилнинг ноябрь ойида 37-дивизияга кўмондонликка тайинланган 42 ёшли генералнинг довуғи тилларда дoston эди. Қанча-қанча аскарлар у билан бир кўришишни, суҳбатига бўлишни, ҳатто бирга суратга тушишни орзу қилишарди. Бу ниятига етганлар ҳам, утмаганлар ҳам бўлиб, баъзи жангчилар қалбида шу армон билан жангларда жон беришарди.

— Ёмғир ҳам тинай демади, — деди аскар Фуломнинг хаёлини бўлиб. Энди бу ёғи баҳор, феврални ўтказасак бўлди.

...Баҳор келиб совуқ анча ортга чекинди. Бу орада душман ҳам анча чекиниб, ғалаба нишониси кўриниб қолди. Шундай бўлса-да, жанг давом этар, қанора қайсидир сафдошини қурбон берган аскарлар яна шиддат билан ғалаба сари интилишарди.

Госпиталда кўзини очган Фулом бўлиб ўтган воқеаларни хотирлай бошлади. Шид-

датли жанглардан бирида у оғир яраланганди. Уни госпиталга келтиришганда беҳуш ҳолда эди. Бошини кўтаришга уринди, аммо кўтаролмади. Тўғрироғи, шифокорлар йўл қўйишмади. Ҳали кимирламай ётиши кераклигини, тўлиқ тузалмагунча ўрнидан туриш мумкин эмаслигини айтишди. Шу куни госпиталда яна бир нохуш хабар тарқалди. Генерал-майор Собир Раҳимов ҳам ярадор ҳолда госпиталга тушибди. Аввалига Фулом генерал билан учрашиш орзусига яқинлашганидан бироз



қувонди. Аммо унинг оғир аҳволда эканини эшитиб, хавотир ола бошлади. Собир Умарович кўп жангларни бошдан ўтказган, бир неча марта яраланиб омон қолган, тузалиб яна жанг майдонига қайтган. Бу гал ҳам у тузалади, яна бирга жангларда қатнашамиз, деган умид Фуломга далда берарди.

Аммо орадан бир неча соат ўтиб, фалақни ларзага келтирувчи муҳдиш хабар тарқалди. Ўзбекнинг биринчи генерали Собир Умарович вафот этганди. Бу хабарни эшитган аскар кулоқларига ишонмасди. Бунинг ёлғон бўлиб чиқишини жуда-жуда истарди. Чунки аввал ҳам бундай хабар тарқалган, генералнинг вафот этганини эшитиб, лоқайдликка берилган душман гафлатда қолган эди. Аммо бу сафаргиси рост бўлиб чиқди. У билан учрашиш орзуси армонга айланган Фулом марҳум генерални госпиталдан олиб кетишгаётганда ҳам ўрнидан тура олмади.

Орадан бир ярим ой ўтар ўтмас, уруш ниҳоя топиб, ғалаба туғи кўта-

рилди. Жангчилар бирин-кетин уйига, ота-онаси, яқинлари ёнига қайта бошлади. Фулом ҳам ўзини соғиниб кутган онаси, бидир-бидир қилаётган ўғилчаси, сеvimли турмуш ўртоғининг ёнига қайтди. Ҳамма ёқда байрам тантаналари, ғалаба нашидаси суриларди.

Йиллар бир-бирини қувиб ўтаверди. Уруш даҳшатлари аста-секинлик билан унутилаётган бўлса-да, лекин кўпчиликнинг қалбида ўчмас оғриқлар қолдириб кетганди. Йигирма икки йил ўтган

қўяра, аҳён-аҳёнда билаги билан кўзёшларини артарди. Бу ўша урушнинг неки жабр ситами бўлса борини кўрган, генерал Раҳимов билан учрашиш орзуси ушалмай қолган ўша Фулом эди. Фильм намойишига таклиф қилинган уруш фахрийлари орасида бўлган Фулом ўша даврларни яна бир бор ўз кўзи билан кўриб, «сенинг ҳарқалай онанг бор, менинг эса ота-онам йўқ, ҳеч ким кутмайди» деган сафдошининг кўз ўнгида жон берганини эслаб йиғлаётган эди...

9 май арафасида уруш қатнашчилари учун байрам ташриқ қилинди. Таниқли санъаткорлар, шоиру кизиқчилар таклиф этилди. Уруш қатнашчиларига совға-саломлар берилиб, ўтганлар хотирланди. Санъаткорлар орасида генерал Раҳимов ролини маромига етказиб ижро этган Зикир Муҳаммаджонов ҳам бор эди. Фулом уни кўрди-ю, фильм ва ундан олган таассуротлари, айниқса, орзуси эсига тушди. Дарҳол ўрнидан туриб, Зикир Муҳаммаджоновнинг ёнига борди.

— Ассалому алайкум, Собир Умарович, — деди титроқ овоз билан. Унинг самимий боқиб туриши, овозининг титраб чиқиши ҳазиллашаётганга ўхшамасди. Бу каби муҳожатларга кўникиб қолган Зикир Муҳаммаджонов ҳам бу йигит одатдаги мухлисларга ўхшамаслигини дарҳол сезди. Ўрнидан туриб унга қучоқ очди. Актёрни бағрига босар экан, Фулом гўё ўзи мухлис бўлган, дийдорли армон бўлиб қолган генерални, Собир Умаровични бағрига босаётгандек ҳис этарди ўзини. Чунки Зикир Муҳаммаджонов ҳақиқатан ҳам ролни жуда моҳирона ижро этган, уни кўрганлар Собир Раҳимовнинг ўзини кўргандек бўлишганини айтишарди.

...Далада иш қизгин бўлгани боис Фулом ҳар куни эрта кетиб, кеч қайтарди. Бугун ҳам қоронғу тушгунча ишлади. Уйига келганда эса хотини унга қулимсираб бир газета тутқазди. Унинг биринчи саҳифасида яқиндагина бўлиб ўтган тадбир, суратда эса Фулом генерал Собир Раҳимов билан қучоқлашиб кўришгаётгани акс этган эди...

Иномжон РАҲИМХҲАЕВ,  
«Postda» мухбири.



## УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# ДУХОВНЫЙ ОБЛИК СОТРУДНИКОВ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ: КАКИМ ОН ДОЛЖЕН БЫТЬ?

**Духовность – это нравственные качества личности, это ее совесть, способность к самоконтролю, оценке собственных действий на основе понимания ответственности перед другими людьми за совершаемые поступки, способность различать и выбирать истинные ценности и подчинять им свое поведение, стремление к внутреннему совершенству**

Каждый гражданин Республики Узбекистан, вступающий в ряды сотрудников ОВД, посвящает жизнь беззаветному служению Отчизне и защите благородных общественных идеалов: свободы, демократии, верховенства законности и правопорядка. Торжественно звучат слова присяги сотрудника органов внутренних дел: «...поступая на службу в органы внутренних дел, обязуюсь честно, добросовестно выполнять свой долг и возложенные на меня обязанности по защите конституционных прав граждан, укреплению мира, спокойствия и безопасности страны. Клянусь быть преданным Родине и народу Узбекистана».


Служебная деятельность стражей правопорядка осуществляется в соответствии с основными принципами деятельности ОВД, закрепленными в статье 5 Закона Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел»: законности, единства, соблюдения и уважения прав, свобод и законных интересов граждан, открытости и прозрачности.

Высший духовно-нравственный смысл деятельности сотрудника – безусловное следование профессиональному долгу – «Служить интересам народа». Это нравственное обязательство, возлагаемое на стражей правопорядка, формирует их духовный облик, проявляющийся в нетерпимом отношении к любым действиям, оскорбляющим человеческое достоинство, неустрашимости перед лицом опасности при пресечении правонарушений, твердости в борьбе с преступностью, следовании в ситуациях морального выбора этическому принципу: человек всегда является нравственной целью, но никогда – средством.

Нравственные ценности составляют основу духовности сотрудника, глубоко осознающего причастность к судьбе народа, благородному делу защиты правопорядка и обеспечения общественной безопасности. Духовность обладает уникальным свойством предопределять добровольное, сознательное, честное и добросовестное выполнение долга.

Духовно-нравственный облик сотрудника складывается из стремления быть всесторонне развитой личностью, постоянного самосовершенствования, углубления не только профессиональных знаний, но и знаний в области истории, культуры, педагогики, способствующих

эффективному использованию в ходе выполнения возложенных задач силы убеждения, аргументов.



Правила этического поведения, закрепленные в Дисциплинарном уставе органов внутренних дел, утвержденном постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию порядка работы с кадрами органов внутренних дел и организации их службы» от 29 ноября 2017 г., предписывают, что каждый сотрудник с достоинством должен вести себя как на службе, так и вне ее. Эти Правила – профессионально-нравственное руководство, обращенное к сознанию и совести сотрудника. Их безупречное выполнение обеспечивает моральное

право сотрудника на общественное доверие, уважение, признание и поддержку граждан.

Соблюдение требований этического поведения предусматривает: вежливость, сдержанность в общении с гражданами, недопущение фактов дискриминации и проявлений предпочтения каким-либо лицам, группам или организациям, независимость от их влияния; уважение к обычаям и

жебных обязанностей, способного негативно повлиять на репутацию органов внутренних дел. При этом духовно-нравственная чистоплотность, неподкупность сотрудника, его преданность интересам службы составляют основу профессионально-этического стандарта антикоррупционного поведения.

Сотрудник, обладающий высокой духовностью, имеющий нравственные ориентиры, ведет себя с чувством собственного достоинства, которое связано с чувствами долга и чести, уважает эти качества в самом себе и других людях, постоянно контролирует свое поведение и эмоции, не позволяя личным симпатиям или антипатиям влиять на служебные решения.

Правила этического поведения требуют от стражей правопорядка при выявлении противоправных действий и их пресечении сохранять выдержку и достоинство, своим видом и действиями демонстрировать уверенность и спокойствие; отдавать распоряжения кратко и ясно, исключая возможность ошибочного или двойного их понимания гражданами, которых они касаются; действовать уверенно и хладнокровно в условиях паники, группового неповиновения, массовых беспорядков; проявлять эмоционально-психологическую устойчивость при провоцировании правонарушителями конфликтной ситуации.

Сотрудники должны принимать все меры для установления психологического контакта с очевидцами и свидетелями, располагать их к себе, оставаясь в то же время принципиальными, решительными и авторитетно представляющими государственную власть. Не в последнюю очередь этому способствует культура речи, являющаяся важным показателем профессионализма и проявляющаяся в умении грамотно, ясно, лаконично и ясно передать мысли.

Повышение уровня духовности сотрудников – один из путей противодействия их профессиональной деформации, негативному изменению ориентиров и девальвации нравственных ценностей. Системная работа в данном направлении является важным фактором качественного выполнения личным составом оперативно-служебных задач, условие обеспечения общественного доверия к органам внутренних дел.

Радик ТУМΠΑРОВ,  
корреспондент «На посту».

СЛУЖБА ПРОБАЦИИ

# ГЛАВНАЯ ЦЕЛЬ – ПЕРЕВОСПИТАНИЕ

Сотрудники группы пробации УКД ОВД по г. Фергане наладили сотрудничество с организациями, предприятиями и широкой общественностью. В результате значительно выросла эффективность работы с осужденными, состоящими на профилактическом учете, склонными к совершению повторных преступлений и правонарушений



Они регулярно проводят разъяснительные мероприятия для того, чтобы осужденные встали на путь исправления и социальной адаптации в обществе. К примеру, за прошлый 2019 год два раза проходили выездные суды, 14 раз – ярмарки вакансий, благодаря которым 224 гражданам были выданы направления для устройства на работу, из них 144 – официально трудоустроены, 891 – оказана юридическая помощь. С 395 лицами проводились профилактические беседы, им повторно разъяснялся порядок отбывания наказания, 135 осужденным была оказана практическая помощь в восстановлении здоровья.

В результате проведения сотрудниками группы пробации системной работы, профилактических мероприятий растет число осужденных, признавших свои ошибки и искренне желающих стать на путь исправления.

В 2019 году по определению Ферганского городского суда по уголовным делам 336 осужденных освобождены от наказания досрочно, а 41 осужденному, уклонявшемуся от отбывания наказания, мера была заменена на наказание в виде лишения свободы.

– Пробация – это испытание, проверка, – говорит старший инспектор группы подполковник Д. Сайдуллаев. – Говоря простыми словами,

вместе с контролем над отбыванием наказания стоящих на нашем учете лиц мы предоставляем им возможность для исправления, проверяем их, пытаемся перевоспитать. Люди, осознавшие свои ошибки и ставшие на путь исправления, освобождаются досрочно, оказываем им сильную помощь, в рамках своих полномочий, для налаживания жизни в обществе.

Жительница Ферганы А. М. по решению суда была лишена свободы сроком на 3 года и 4 месяца. По решению Зангиатинского районного суда по уголовным делам, оставшиеся 2 года и 2 месяца наказания были заменены на исправительные работы. Осужденная вернулась домой и сразу была поставлена на учет группы пробации. Была проведена беседа в махалле, за женщиной закреплен наставник. Ей дали направление в центр социальной адаптации, определили временное пособие. При практическом содействии сотрудников группы пробации она устроилась на работу на предприятие ОАО «Фаргоназот».

Теперь А. М. занимается честным трудом, мечтает жить спокойно и мирно. Служба пробации служит ей опорой.

**Даврон МАДРАХИМОВ,**  
капитан.  
**Абдувосит СИДИКОВ,**  
корреспондент «Postda»

## ТАК И СКАЗАЛ!

Юрий СТОЯНОВ,  
народный артист Российской Федерации:

– Я искренне приглашаю всех полюбить эту удивительную страну – Узбекистан, которая в свое время спасла жизнь моей маме, мне и миллионам моих соотечественников в годы Второй мировой войны. ...Попробуйте Узбекистан на вкус, увидите его глазами и почувствуйте его своим искренним сердцем! Вы не представляете, какой замечательный край!

Мать артиста в 1940-е годы жила в Узбекистане, а после очень тепло отзывалась об узбеках, их доброте и гостеприимстве.



КОРОТКОЙ СТРОКОЙ

## Шантажистку вызвали в суд

7 февраля 2020 года Самаркандский городской суд по уголовным делам вынес решение о принудительной явке уроженки Пахтачуйского района Х. Н. В отношении 38-летней женщины было возбуждено уголовное дело в соответствии с пунктами «а», «г» части 3 статьи 139 («Клевета»), а также пунктом «а» части 3 статьи 140 («Оскорбление») Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

В целях исполнения судебного решения сотрудники правоохранительных органов г. Самарканда выехали на место работы женщины. Х. Н. затеяла скандал, начала снимать процесс на мобильный телефон, материться и оскорблять правоохранителей. Нелестные слова посыпались и в адрес сотрудников прокуратуры.

Как комментирует пресс-служба УВД Самаркандской области, городская прокуратура начала расследование по данному факту.

## Сотрудники ППС спасли ребенка

Сотрудники подразделений УППСиООП УВД Самаркандской области спасли ребенка, который повис на окне одного из жилых домов, расположенных по ул. Гагарина. Мальчика заметила ученица девятого класса общеобразовательной школы № 33 Парвина Зиедуллаева, которая и сообщила об этом стражам порядка.

Рядовые сотрудники ППС Ш. Нарзуллаев и Х. Бахронов оперативно среагировали на полученный сигнал. Попросив у соседней одеяло, они вместе с ними растянули его под окнами третьего этажа. В это время сотрудники Реабилитационного центра УППСиООП УВД Самаркандской области сержанты Ж. Исмаилов, Ф. Умуркулов и рядовой И. Абдусаттаров взломали дверь квартиры и поспешили на помощь ребенку. Исломбек Гафуров, 2013 года рождения, был спасен и передан родителям.

По словам матери Исломбека, когда ее сын заснул, она заперла дверь и пошла по своим делам.

В настоящее время жизни и здоровью мальчика ничего не угрожает, с ним работают психологи.

Всем принявшим участие в спасении ребенка была выражена благодарность от имени руководства подразделений.

**Замира БАЛТАЕВА,**  
корреспондент «На посту».

Самаркандская область.



«Каждый день – чудо. А ведь так и есть, если принять во внимание, каким огромным и насыщенным может стать любое мгновение нашего хрупкого существования».

Пауло Козью.

# ОЛАМГИР ОЛИМ



## Ҳаммаси пойдеворга боғлиқ

Шариф Қобиловдаги илмга ташналик, китобга ошноликнинг илди-лари олис болалик йилларига бориб тақалади. Ҷзи ўқийдиган мактабнинг мўъжазгина кутубхонаси унинг севи-ли маскани эди. Бу ердаги ҳар бир китоб жавони, ундаги китобларнинг қай тартибда жойлашганини ёддан биларди. Илло, уларнинг аксария-тини чанқоқлик билан ўқиган, доно ўғитларни, боқий билимларни онгу шуурига муҳрлаган эди.

Тарихга, адабиётга, умуман, китоб-ларга бўлган қизиқиш уни шунчалар ром этгандики, туман марказий ку-тубхонасининг доимий меҳмонига айланган эди. Йўл-йўлакай уйдагилар кундалик эҳтиёж учун берган пуллар-ни ҳам ишлатмай, уларга китоб сотиб оларди. Натижада дарсхонасининг бир бурчагида мўъжазгина кутубхона пайдо бўлди. Йиллар ўтиб китоблар сони кўпайиб, мазмун-моҳият жиҳа-тидан бойиб борди.

## Етакчи, ташкилотчи, ташаббускор

Илмга интилиш изланувчан Ша-рифни бош кентимизнинг бош олий-гоҳига етаклаб келди. Тошкент дав-лат дорилфунунда сиёсий иқтисод йўналишида ўқиб баробарида, ёшлар ташкилоти фаолларидан бири си-фатида тенгдошларига етакчилик қилди. Юксак парвозга шайланган ёш юрак ўз талпинишларида мудом уч илдиэ – етакчилик, ташкилотчилик ва ташаббускорликка таянди. Унинг бу ҳислатлари жамоат ишларида ай-ниқса кенг намоён бўларди.

Илм исташ, маърифатга интилиш изланувчан илму толибнинг ҳаётий шиорига айланган эди. Шу боис дорилфунун сабоқлари ниҳоясига етмасиданок, илмий изланишлари-ни бошлаб юборган Шариф Қоби-лов университетни битиргач, кўп ўтмасдан иқтисод фанлари номзод-лиги диссертациясини ҳимоя қилди. 1995 йилда унга Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳу-зуридаги Олий аттестация комиссияси қарорига асосан, «доцент» илмий унвони берилди.

1992 йилдан Ўзбекистон Респу-бликаси ИИВ Академиясида фаолият олиб бораётган Шариф Қобилов катта ўқитувчи, доцент, кафедра бошлиги-нинг ўринбосари, кафедра бошлиги, ўқув бўлими бошлигининг ўринбо-

Оламгир деганда, кўпинча оламни фатҳ этувчи, жаҳонгир одам тушунилади. Аслида бу сўзнинг кўчма маъноси ундан-да жаранглироқдир. Зеро, илму зиёси, ақлу зақоси, зоҳирий ва ботиний оламнинг мафтункорлиги билан ўзига жалб қилувчи одамларни ҳам оламгир дейишади. Ўзбекистон Респу-бликаси ИИВ Академияси доценти, иқтисод фанлари номзоди, Академия ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси, полковник Шариф ҚОБИЛОВ ана шундай инсонлардан биридир.

сари, ўқув бўлими бошлиги, таълим жараёнини ташкил этиш бошқармаси-нинг бошлиги лавозимларида хизмат қилди. Ўзига ҳам, шогирдларига ҳам бирдек талабчан устоз педагогик фаолияти билан биргаликда, ўн йил давомида Академиянинг ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари илмий-методик кенгашининг раиси вазифасини бажарди.

Полковник Ш. Қобилов демок-ратик ислохотларнинг жонкуяр тарғиботчиси ҳамдир. У республи-ка оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда илмий-оммабоп

Шунингдек, Шариф Қобилов Ўзе-бекистон Республикаси ИИВ Академия-си Ахборотномасининг таҳрир ҳайъати аъзоси ўларок, профессор-ўқитувчи-лар томонидан тайёрланган дарслик, ўқув қўлланмалари, монографиялар, ўқув-методик материаллар, фан дас-турлари, ишчи ўқув дастурларининг сифатли тайёрлишига асосий эъти-борни қаратади.

2018 йилдан жамоатчилик асо-сида Академия ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси сифатида ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ички ишлар органлари ходимларининг нуфузини кўтариш борасида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда.

Яқинда Шариф Қобиловнинг умум-башарий тараққиётга ҳисса қўшган улуг аждодларимизнинг бебаҳо ме-росини ёшларга етказиш мақсадида яратилган «Буюк сиймоларнинг боқий кудрати», «Таълим-тарбия – барқа-рорлик ва хавфсизлик кафолати» ки-тоблари чоп этилгани ҳам эътирофга сазовордир.

Устоз айниқса мустақиллик, ўзли-гимизни чуқур англашга доир ўнлаб асарлар яратган олимдир. У кишининг «Мустақиллик тенги йўқ, энг улуг ҳуқуқдир», «Пахта яккаҳоқимлиги ва унинг ҳалокатли оқибатлари», «Де-сантчилар ёҳуд оммавий қатағоннинг янги кўриниши» китоблари шулар жумласидандир.

## Оила – муқаддас кўрган

Шариф Раҳимович шогирдлари даврасида ҳам, яқинлари билан суҳбат қурганда ҳам бир гапни бот-бот та-қорлайди: «Оила – муқаддас кўрган. Унинг ҳар бир тошини севган инсон юртини севади. Оиласига садоқатли одам бурчига ҳам, халқига ҳам садоқат билан хизмат қилади. Оила аъзоларига меҳр-муҳаббат кўргазган киши башариётга бағрини оча олади».

Устоз бу ақидага умр бўйи амал қилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам уни оилапарвар инсон сифатида қадрлашади. Рафиқаси Робия опа хасталаниб қолганда, дунё кўзига қоронғу кўринганига гувоҳ бўлган инсонлар унинг оёққа туриб кетиши-да қанчалар жонфидолик қилганини, турмуш ўртоғини жуда эъзозлашини, ҳар доим соғлиғи ҳақида қайғуриши-ни ибрат қилиб кўрсатади.

Энг муҳими, Шариф ака рафиқаси Робия опа билан биргаликда фар-зандларини эл қорига ярайдиган касб эгалари этиб тарбиялашди. Катта фарзанди Умида Тошкент молия ин-ститутида ўқитувчи. Ўғли Элдор Россия Федерацияси ИИВ Академиясини тамомлаб, ҳозирги кунда вазирлик тизимида хизмат қилади, майор. Сай-ёра ҳам Тошкент молия институтини тугатган. Кенжа қизи Муҳлиса эса олий маълумотли филолог.

## Хулоса ўрнида

Яқинда 60 ёшни қаршилаган Шариф ака фарзандларига ҳам, набираларига ҳам доим бир нуктани ўқитиришдан эринмайди: «Китобга дўст тутинсанг, олим бўласан. Олим бўлсанг, олам се-ники бўлади». Дарҳақиқат, бир пайтлар ширинлик олиш учун берилган ақча-ларга ҳам китоб харид қилган, уйини, ишхонасини кутубхонага айлантирган оламгир олимнинг бугунги ва келгуси авлодлар учун нодир китоблар яратиш даражасига етишида у истифода этган асарларнинг ўрни беқиёсдир.

Темир ҚУРБОНОВ,  
«Postda» махсус муҳбири.



## «Оламнинг хуршиди кундир, одамнинг хуршиди илм»

мақолалари ва ҳуқуқий тарғибот ишлари билан фаол иштирок этади.

Академияда ўтказиладиган ил-мий-амалий, конференциялар ва бошқа маънавий-маърифий тад-бирларни ташкил этиш ҳамда ўткази-шда жонбозлик қилиб келаётган Ш. Қобилов давлат грантларида ҳам қатнашмоқда. Жумладан, у «Мамла-катнинг иқтисодий хавфсизлигини ва рақобатбардошлигини таъмин-лаш механизмини такомиллашти-риш йўллари» мавзусидаги давлат гранти лойиҳаси раҳбари бўлиш билан бирга, коррупция муаммо-сини ўрганишга оид давлат гранти аъзосидир. Устознинг хавфсизлик ва коррупция муаммосини ўрганишга оид 4 та монографияси ва ўндан ортиқ ўқув адабиётлари чоп этилган.

Кўёш нурлари оламни қандай му-наввар айласа, илм зиёси одамлар қалбини шундай нурафшон этишини жуда эрта англаган Шариф Қобилов китоб оламига ошно бўлиш бароба-рида, янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва ҳуқуқий тарғибот йўнали-шида тинимсиз изланишлар олиб борди. Натижада мамлакатимиз-нинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини акс эттирувчи 200 дан ортиқ илмий мақола, 80 га яқин монография, дарслик, қўлланма ва бошқа илмий-маърифий китоблар дунёга келди. Энг қувонарлиси, улар-нинг аксарияти республика миқёсида ўтказилган турли танловларда сов-ринли ўринларни эгаллади.

МДХ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ ИЖОДИ



# «НА СТРАЖЕ» ВА «САҚШЫ» ГАЗЕТАЛАРИ – ТИНЧЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ЙЎЛИДА

Қозоғистон Республикаси ички ишлар органларининг Махаббат Садвоқасова бош директор бўлган Медиа-марказининг босма нашрлари таркибига «Сақшы», «На страже» газеталари, шунингдек, «Полиция.kz», «Жазаларды орындау – Исполнение наказаний», «Пожарный и спасатель Казахстана» журналлари қиради. Бугун Қозоғистон Республикаси ИИВнинг бошқа нашрлари билан бир қаторда, полиция ходимларининг машаққатли меҳнатини ёритиб бераётган «На страже» газетаси таҳририяти жамоасининг улкан ижодий йўлини муштарийлар эътиборига ҳавола этмоқчимиз.



Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «На страже» ҳуқуқий ижтимоий-сиёсий газетаси мамлакатнинг энг эски нашрларидан бири бўлиб, 1933 йил май ойидан чоп этила бошлаган.

Архив материалларига кўра, илк сонлардан биридаги этакчи мақолада шундай дейилган эди: «Страж» – газетанинг биринчи сони шундай номланганди – бу катта ютуқ. Милиция ходимлари уларни ишга ўргатувчи ўз газетасига эга. Унинг ёрдамида улар камчиликларни аниқлаб, бу билан ишчи-деҳқон милициясининг жанговар шайлиги ва интизомини оширишади». Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида газета «Казахстанская милиция» («Қозоғистон милицияси»), 1960 йилдан эса «На страже» деб номланган. Ушбу нашр орқали мамлакатнинг таниқли одамлари муштарийларга мурожаат этишган.



1999 йил апрель ойида қозоқ тилидаги «Сақшы» газетасининг биринчи нашри дунё юзини кўрди. Шундан буён «Сақшы» ва «На страже» идоравий нашрлари икки тилда: қозоқ ва рус тилларида нашр этилмоқда.

Бугунги кунда бош муҳаррир Ануар Омар бошчилигидаги «На страже» газетаси ҳафтасига икки марта чоп этилади. Журналистлар ижодий жамоасининг саъй-ҳаракатлари туфайли, илгаридан машҳур бўлган руқнлардан ташқари, газетада Қозоғистон полициясининг бугуни ва келажagini акс эттирувчи янги руқнлар, мақолалар, интервью ва очерклар эълон қилинади.

Бундан ташқари, газета таҳририяти ички ишлар органлари фаолияти ҳақидаги ўзаро таҳлилий ва ахборот материаллари алмашиб, МДХга аъзо мамлакатларнинг бошқа таҳририятлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

## БОРЬБА С «БЕСКОНТАКТНОЙ» ПРЕСТУПНОСТЬЮ



За последние несколько лет увеличилось количество случаев интернет-мошенничества. Как казахстанская полиция ведет борьбу с таким видом преступлений рассказал заместитель начальника центра по борьбе с киберпреступностью Департамента криминальной полиции Рустем Дюсетаев

– Борьба с интернет-мошенничеством является одним из актуальных направлений деятельности органов внутренних дел. Для осуществления своей деятельности мошенники используют смартфоны, социальные сети, мессенджеры, размещают ложные объявления, распространяют спам, в общем, предпринимают любые меры для того, чтобы обманывать граждан, – сказал Рустем Дюсетаев.

ОВД стараются повысить эффективность работы по противодействию этому виду преступлений. Ежегодно разрабатывается ведомственный план по противодействию интернет-мошенничеству. Он включает в себя организационно-практические, профилактические мероприятия, связанные с доведением до граждан сведений о мерах предосторожности во время пользования интернетом,

для того чтобы не стать жертвой мошенников.

– Ежеквартально на территории страны проводятся оперативно-профилактические мероприятия, направленные на выявление лиц, занимающихся преступлениями в сфере информационных технологий. В результате принимаемых мер нами раскрыто свыше 1 тыс. случаев интернет-мошенничества, по которым задержаны 388 лиц, из них более 160 изобличены в совершении двух и более преступлений, – поделился Р. Дюсетаев.

Он также отметил, что большинство фактов интернет-мошенничества носит трансграничный характер, являясь «бесконтактным» видом преступлений, где жертва может находиться в одном регионе, а преступник – в другом.

Спикер отдельно остановился на наиболее распространенных способах интернет-мошенничества. Преступники в основном используют методы социальной инженерии, направленные на получение либо денег, либо персональных данных, в том числе доступа к аккаунтам, сче-

там и т. д. с дальнейшим хищением денежных средств.

К примеру, в г. Алматы были задержаны два мошенника, которые размещали объявления о продаже автомашин на сайте Kolesa.kz. После получения предоплаты на карту АО Kaspi Bank, оформленную на постороннее лицо, номера отключали. Доказана их причастность к 29 аналогичным фактам мошенничества.

Сотрудниками столичного департамента полиции в г. Алматы задержана мошенница, которая обманывала граждан, предлагая им «раскрытку денег» в социальной сети Instagram. Она была изобличена в совершении 60 эпизодов мошенничества в отношении граждан различных регионов страны.

В г. Актобе полицейскими была задержана мошенница, которая под предлогом покупки товара просила у продавцов реквизиты банковских карточек и данные удостоверения личности. Используя данные, она оформляла кредиты. Доказана ее причастность к 34 аналогичным преступлениям.

Ботагоз ШАЙХИНА.

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

## БУРЧИГА СОДИҚ, МАРД ЎҒЛОНЛАР ЭДИ

... 2013 йилнинг 21 июли, ёзнинг айна жазирама кунлари эди. Фарғона шаҳридаги «Ҳамкор банк» биносида содир бўлган қотиллик жинояти ҳақидаги совуқ хабар вилоят аҳлини ларзага келтирди: шу куни банкда қўриқлаш хизматининг икки нафар ходими – сержант Эркинжон Акбаров ҳамда сафдор Рустамжон Матазимовлар хизмат олиб боришга эди.

Соқчилар тун ярмида банк ҳовлисида қадам товушини сезиб қолишади. Вазиятга аниқлик киритиш мақсадида ҳовлига чиқилганида ўткир тиғли жисмлар билан қуролланган нотаниш кимсалар ходимларга ҳужум қилади. Куролланган жиноятчилар билан олишув жараёнида иккала ходим ҳам тан жароҳати олиб, воқеа жойида мардларча вафот этади.

Қува туманидаги Акбаробод қишлоғида туғилиб ўсган сержант Эркинжон Акбаров соҳада кўп йил ишлаб, катта тажриба тўплаган ходим бўлса, Олтиариқ туманида истиқомат қилган, сафдор Рустамжон Матазимов энди иш бошлаган,

қалбида орзу-умидлари лиммо-лим эди. Ушанда уларнинг ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари бўзлаб қолишди.

Аммо бошига оғир мусибат тушиб, жигарбандларидан айрилган иккала оилани ҳам вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамда Қўриқлаш бошқармаси раҳбарияти ёлғизлатиб қўймади. Уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашапти.

Байрамларда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси раҳбарлари ва ҳамкасблари она Ватан хизмати йўлида жон фидо қил-



ган ходимларнинг оиласини йўқлаб туришади.

– Боласидан айрилиш она учун энг оғир мусибат, – дейди сафдор Рустамжон Матазимовнинг онаси Маҳпуба Матазимова. – Қўриқлаш

бошқармаси раҳбарларидан жуда миннатдорман. Улар тез-тез йўқлаб туришибди.

**Абдумуталлиб АБДУРАҲИМОВ,**  
майор.  
**Абдувосит СИДИҚОВ.**  
Фарғона вилояти.

## ПАЙШАНБА — ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ КУНИ

## РАҒБАТ БОР ЖОЙДА...

Давлатимиз томонидан профилактика инспекторларининг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Жумладан, Навоий вилояти ҳудудида фаолият олиб бораётган 198 нафар профилактика инспекторига хизмат уйлари ажратилиб, улар имтиёзли кредитлар асосида шахсий автомашиналарга эга бўлишган. Ваҳоланки, бундан бир неча йил аввал бу сингари қулайлик ва имтиёз яратилганмиди?!

Айни вақтда вилоят ИИБ Хуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси тизимида кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда. Бошқарма раҳбарияти яқинда барча шаҳар-туманларга ташриф буюриб, ҳудудларда фаолият олиб бораётган

Адилов ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг муносабатларини ўз вақтида сифатли қўриб чиқиши каби масалаларда эришилган ютуқларни эътироф этди. Шунингдек, келгусида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга тўхталиб ўтди. Хусусан, соҳа ходимларининг муомала маданиятини ошириш, хизмат интизомини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш борасида йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф этиш лозимлигини таъкидлади. Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси асосида ташкил этиладиган ишларни янада кучайтириш зарурлиги

ҳудудда криминоген вазиятни яхтибини сақлаш, фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш мақсадида аҳоли билан манзилли мулоқот қилиш, хонадонма-хонадон юриб, одамларнинг муаммоларини ўрганиши кераклигини айтиб ўтишди.

Шундан сўнг профилактика инспекторларига қулайлик яратиш мақсадида хизмат портфеллари ҳамда тунги фаолиятида қўл келадиган, хизмат автомашиналарига ўрнатиш учун мўлжалланган ёниб-ўчучи маёқчалар топширилди. Шунингдек, вилоятда ўтган йили давомида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларга қарши курашишда жонбозлик кўрсатган профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда корхона-ташкилот вакиллари Навоий вилояти ИИБ бошлигининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўтказилган тадбирлар жараёнида маҳалла фуқаролар йиғинлари ва жамоатчилик вакиллари талаб, тақлиф ва муаммолари тингланиб, мавжуд муаммоларни қисқа фурсатларда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга янада кенгрок эътибор қаратиш, аҳолини қийнаб келадиган турли масалалар ечимини топиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланиб, масъул раҳбарларга топшириқлар берилди.

**Махлиё МИРЗАЕВА,**  
майор.  
Навоий вилояти.

ТАЛАБАЛАР  
ИШТИРОКИДА

Хоразм вилояти ИИБ ходимлари томонидан ёшларнинг билим ва тафаккурини бойитиш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этишига йўл қўймаслик мақсадида ўқув муассасаларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.



Шундай тадбирлардан бири Урганч давлат университетиде бўлиб ўтди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни доирасида ўтказилган тадбирни университет педагогика факультети деканининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Ҳасан Сиддиқов очиб, мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши, ўзлари қизиққан машғулотлар билан шуғулланиши учун барча зарур шароитлар яратиб берилганига тўхталиб ўтди.

Учрашувда вилоят ИИБ ХПБ бошлиғи, полковник Сардор Раҳимов сўзга чиқиб, ўтган йил давомида вилоят ҳудудида ёшлар томонидан жиноят содир этилиши 22,2 фоизга камайганини таъкидлади. Шунингдек, нотик ёшлар томонидан содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари, имкон бераётган шарт-шароитлар ҳамда носоғлом муҳитнинг оқибатлари ҳақида ҳам батафсил сўз юритди.

Тадбирда иштирок этган вилоят ИИБ ХПБ хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим бошлиғи, майор Дилноза Боббекова аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, зарур шароитларни яратиб бериш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, жиноят содир этишга йўл қўймаслик каби кўпгина муҳим масалаларга тўхталиб ўтди.

Тадбирда талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**  
«Postda» мухбири.  
Хоразм вилояти.



ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари профилактика инспекторлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида тадбирлар ўтказди.

Тадбирларда вилоят ИИБ ХПБ бошлиғи, полковник Умиджон

хусусида тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Бу жараёнда сўзга чиққанлар ҳар бир профилактика инспектори хар қандай муаммага ўз вақтида ечим топишга ҳаракат қилиши, ўзига бириктирилган

МУЛОҲАЗА

# БОРИНГИЗГА ШУКУР, ЯХШИЛАР

Ривоятларга кўра, қадимда кўчага отланаётган оила бошлиқларини аҳли аёли: «Уйга қуруқ қайтсангиз ҳам майли, лекин зинҳор ҳаром луқма олиб келманг. Чунки биз очликка чидаймиз, аммо ҳаром луқма ейишни хоҳламаймиз...» деб ишга кузатишар экан. Ҳақиқатда бу сўзларни эшитган киши кун бўйи унинг таъсирида юрар, оиласига қинғир йўл билан луқма олиб боришдан тийилар экан.

Тилдан-тилга ўтиб, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган бу каби ибратли сўзларга бугун қанчалик амал қилиняпти? Баъзан оммавий ахборот воситалари орқали қайсидир мансабдорнинг пора олаётган вақтда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан қўлга олингани ҳақидаги хабарни эшитиб, шу ривоятни эслайвераман.

Наҳотки, у келажакда яхши инсон бўлади, халққа нафи тегади, дея тарбиялаётган жигарбандларига ҳаром луқмани раво кўрса? Наҳот, кўзларини жовдиратиб: «Дадажон, нима олиб келдингиз?» дея бидирлаган «тўполончи» ўғил-часининг қўлига ҳаром йўл билан топилган пулга сотиб олинган ширинлик тутқазидан тап тортмаса? Аслида, порани берган ҳам айбдор деймиз-у, иш билан келган одамни турли хужжатларга «кўмиб ташлаш», ҳали у кам, ҳали бу кам деб сарсон қилиб, «узатиш»га «ундаш» ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бундай ҳолатларга-ку ҳар кун ҳам дуч келавермаймиз. Лекин қонун нуқтаи назаридан олиб қараганда, жиноят бўлмаса-да, бировнинг иложсизлигидан фойдаланиб қолиш йўли билан пул топиш ҳам, менимча, маънавий жиноят бўлса керак.

Халқимизда инсоф сари барака, деган нақл бор. Дарҳақиқат, инсоф билан, ҳалол йўл билан топилган бойликда барака бўлиши, луқма ҳам тотли бўлиши кўп бор исботини топган. Назаримда, кейинги пайтларда орамиздан шу инсоф бир оз кўтарилиб қолгандек туюляпти. Бошқаларнинг ночор ҳолатидан ҳам даромад орттириб олиш йўлини излаётган, яна буни тирикчилик, дея оқлаётганлар ҳам топилади.

Яқинда Паркент туманига кетиш учун пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Муҳаммад Юсуф кўчасига бордим. У ердан туманга микроавтобуслар қатнови йўлга қўйилган. Аммо шанба кун бўлгани, кўпчилик ўқишдан, ишдан қайтгани учун одам жуда кўп эди. Шу боис микроавтобусларда кета олишига кўзи етмаган айрим одамлар Паркент туманига кетувчи энгил машиналарга ҳам талашиб-тортишиб ўтириб олишарди. Мени ажаблантирган нарса шу бўлдики, ҳар доим 10 000 сўмдан йўловчи олиб

айниқса талабалар байрамларда уйига боришади. Ота-онасини соғинган, берилган таътилдан унумли фойдаланиб, кўпроқ улар ёнида бўлишга интилишади. Шу боис ҳам айрилган нархга кўнишдан бошқа чораси йўқ. Уларнинг чорасизлигидан фойдаланиб, нархларни сунъий равишда ошириб олаётганлар эса кимдир норози қилиб пул топаётганини ўйлаб ҳам кўришмаса керак.

Бу каби ҳолатларни пойтахтимиз кўчаларида ҳам кузатиш мумкин. Кундуз кунлари кўчада «Такси керак эмасми?», «Қаёққа борасиз?», дея мулозамат қилаётган киракашлар, эрталаб ишга шошилиб турган пайтингизда ёки ишдан



айём ўтгач, яна

эски нархига қайтиб қолишларини ҳам кўп бора кузатганмиз.

Миробод деҳқон бозори ёнидан такси тўхтатиб, Қўйлиққа бормоқчилигимни айтдим.

— Ўтир, — деди кекса ҳайдовчи йўл нархини ҳам айтмай.

Ҳисобли дўст айрилмас, деганларидек, неча пул беришим кераклигини сўрадим.

— Йўлим ўша томонга, болам, кўнгилдан чиқариб берарсан, ахир. Ёмғирда турганинга тўхтадим, — деди машинага ўтирганимдан сўнг.

— Раҳмат, амаки, борингизга шукур, — дедим унинг самимийлигидан кўнглим тўлиб.

Йўл бўйи ичимда шунақа яхши инсонлар ҳам кўплигини, одамийлик, инсоф каби тушунчалар ҳали ўлмаганини ўйлаб бордим. Аммо энг ажабланарлиси Қўйлиққа етиб борганимиздан кейин бўлди. Ҳайдовчига яхлит 5000 сўм бердим. У мени ҳайратда қолдириб, 2000 сўм қайтим узатди.

— «Маршрутка»да 2000 сўмга келардинг, мен 3000 сўм олдим, рози бўл, — деди у пулга қараб ажабланиб турганимни кўргач.

Бир қарашда арзимасдек кўринган бу илтифот билан ҳалиги киши менга: «Сен ҳам бир кун келиб шахсий автомобиль сотиб олсанг, шундай қилгин, сендан ўрганиб яна кимдир шундай қилди, қарабсанки, инсофли одамлар кўпайиб бораверади», деяётгандек туюлди...

Иномжон РАҲИМХҲАЕВ,  
«Postda» муҳбири.

— «Маршрутка»да 2000 сўмга келардинг, мен 3000 сўм олдим, рози бўл...



кетадиган энгил машиналар шундай тифиз пайтда йўлқирани 12 000 сўм қилиб белгилаб олишибди. Бу, албатта, биринчиси эмас, байрамлар арафасида вилоятларга қатнайдиغان энгил машиналар нархи кўтарилиб кетиши барчага маълум. Чунки кўпчилик,

кечроқ чиқиб, автобус қатновлари тўхтаган пайтда, отнинг калласидек нарх қўйиб олиши ҳам йўловчиларнинг ноилжлигидан фойдаланиш эмасми? Ёки ҳайит, Янги йил арафасида бозордаги баъзи озиқ-овқат маҳсулотларининг баҳоси кўтарилиб қолиши,

БУ – ҚИЗИҚ

## Жотирангизга бағиш!



Ян Христиан Сметс

Жанубий африкалик сиёсий арбоб Ян Христиан Сметс 5000 та китобнинг матнини ёддан билган, бирмалик Виситтабм Вумса 1974 йилда 6000 саҳифалик будда матнларини ёддан айтиб берган. Анқаралик Меҳмед Али Холисий 1967 йилнинг 14 октябрида олти соат давомида Куръонни ёддан айтиб берган.

Хитойлик Гу Янлин 26 ёшида Харбин шаҳридаги 15 мингга телефон рақамини ёддан айтган. Тасманиялик маълумотлар хизмати оператори Паула Прентис 128603 абонентнинг телефон рақами, исми, манзили, муассасасини ёддан айта олади.



Паула Прентис

## ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

## Мероприятие

## «САМЫЙ ЛУЧШИЙ ЧИТАТЕЛЬ»

В последние годы особое значение придается изучению богатого наследия наших прославленных предков, их вклада в развитие наук. Для подрастающего поколения страны они являются образцом активной жизненной позиции, патриотизма, высокой нравственности и культуры

Для популяризации шедевров национальной литературы, трудов отечественных историков, а также в целях привития военнослужащим и сотрудникам культуры чтения в подразделениях Национальной гвардии был проведен конкурс «Самый лучший читатель».

Основной отборочный тур состоялся в музее имени Абдуллы Кадыри и Информационно-библиотечном центре «Турон». Представители подразделений и образовательных учреждений Национальной гвардии продемонстрировали свои таланты

и навыки. «Мы – поколение великих полководцев», «Наши великие мыслители, внесшие большой вклад в развитие мировой цивилизации и культуры узбекского народа», «Свободная тема» – так назывались туры, которые оценивались компетентным жюри.

Победителям смотра вручили дипломы I, II и III степеней и памятные подарки от командования Национальной гвардии Республики Узбекистан. Лучшие в номинациях «Самый молодой участник», «Самый активный участник», «Самый одаренный участ-



ник» были также награждены организаторами мероприятия.

В завершение конкурса было отмечено, что в дальнейшем подобные смотры в системе Национальной гвардии будут проводиться регулярно.

– Я занял первое место. Благодаря конкурсу, смог больше узнать о великих ученых и мыслителях, живших и творивших на территории нашей страны. Я прочитал более 150 книг мировой и узбекской литературы и, думаю,

что это не предел, – сказал победитель конкурса рядовой Содик Отабоев.

Мероприятие проводилось в рамках реализации пяти важнейших инициатив Президента Республики Узбекистан.

## Спорт

## «Я ОБЯЗАТЕЛЬНО СТАНУ ЧЕМПИОНОМ!»

Благодаря достижениям наших спортсменов на мировых аренах звучит Государственный гимн Узбекистана, гордо реет флаг нашей страны. Чтобы покорять новые вершины, нужно неутомимо трудиться и равняться в стремлении к победе на лучших спортсменов страны



С этой целью, по инициативе командования Национальной гвардии Республики Узбекистан, в Республику Каракалпакстан выехала группа мастеров спорта, возглавляемая военнослужащим Национальной гвардии – двукрат-

ным чемпионом мира по дзюдо Ришодом Собировым.

В ходе визита спортсмены рассказали молодежи Каракалпакстана о широких возможностях, которые предоставляются в настоящее время государством для подрастающего

поколения, о том, как использовать их наиболее эффективно, раскрыли некоторые спортивные секреты, подчеркнули, что для достижения побед необходима постоянная работа над собой. Юноши и девушки получили подробные ответы на все интересующие их вопросы.

В рамках пребывания делегации состоялся марафон под девизом «Я обязательно стану чемпионом!», в котором приняли участие военнослужащие Управления Национальной гвардии Республики Узбекистан по Республике Каракалпакстан, сотрудники Управления охраны Республики Каракалпакстан и молодежь. Победители и активные участники забега были награждены памятными призами.

## Происшествие

Военнослужащий Национальной гвардии, охранявший общественный порядок на территории Юнусабадского района столицы, увидев, как мужчина гонится с ножом в руках за женщиной, поспешил предотвратить возможную беду

## Предотвратил беду

Неизвестный почти догнал потенциальную жертву, когда на помощь подоспел военнослужащий. Увидев сотрудника Национальной гвардии, нарушитель сбежал с места происшествия.

О случившемся сообщили представителям патрульно-постовой службы. Нарушитель был задержан на 9-м квартале Юнусабадского района. В ответ на требование сотрудников

Национальной гвардии и ППС выбросить нож, мужчина начал бросаться в правоохранителей камнями и подручными предметами. В схватке гражданин ударил ножом в ногу сотрудника органов внутренних дел, после чего военнослужащие Национальной гвардии были вынуждены применить жесткие меры в отношении нападавшего. На нарушителя надели наручники и доставили его в

УКД ОВД Юнусабадского района.

В результате проведенных оперативно-следственных мероприятий выяснилось, что муж и жена, проживающие в Шайхантахурском районе столицы, поссорились. Муж вследствие скандала употребил большое количество спиртного и в неадекватном состоянии бросился с ножом за женой. Расследование продолжается.

Проверка  
интеллектуальных  
способностей

Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев на встрече с молодежью, которая состоялась в школе имени Мухаммада аль-Хорезми, сказал: «Я верю, что среди подрастающего поколения есть образованные, отважные юноши и девушки с горящими глазами, готовые сказать: «Я буду Вам опорой!» Самый правильный путь лидерства, умения вести за собой – это личный пример»

Руководствуясь сказанным, по инициативе Национальной гвардии Республики Узбекистан, среди курсантов и студентов высших военных и высших учебных заведений была впервые проведена интеллектуальная игра «Ракобат».

В ней приняли участие четыре команды – курсантов высших военных образовательных учреждений Национальной гвардии, министерств обороны и внутренних дел, Службы государственной безопасности, а также команды студентов четырех вузов республики.

Игра проходила в три этапа. Были заданы вопросы по истории Узбекистана, всемирной истории, литературе, географии, правведению. Курсанты и студенты продемонстрировали хорошие знания и тщательную подготовку, отвечая на вопросы четко и кратко, соревнуясь между собой в смекалке и находчивости.

В итоге первое место заняла команда Ташкентского государственного технического университета. Курсанты Военно-технического института Национальной гвардии стали вторыми. Победителям были вручены дипломы и памятные подарки от командования Национальной гвардии Республики Узбекистан.



# ПРАВИЛА ПОЛЕЗНОГО УЖИНА



Завтрак должен быть плотным, в обед можно употреблять и первое, и второе, а ужин нужно готовить легким. Перед сном не следует слишком нагружать желудок. Что лучше всего приготовить на ужин, что будет полезнее для организма?

## Простые рецепты

### Горячий салат с кабачками

Три свежих огурца и пучок зелени (кинза, петрушка) мелко нарезать, 200 г оливок разрезать пополам. Два свежих маленьких кабачка нарезать средними кубиками. Потушить на сковороде 200 г стручковой фасоли с добавлением куркумы, затем положить кабачки и тушить еще пять минут. Выложить горячие овощи в салатницу, добавить другие ингредиенты и посыпать миндалем.



### Омлет

Два яйца взбить. Небольшую луковицу измельчить, болгарский перец, томат мелко нарезать. Выложить на сковороду лук, обжарить, затем добавить остальные овощи, потушить несколько минут, залить взбитыми яйцами, посолить и посыпать любыми специями. Готовить на небольшом огне, накрыв крышкой. Перед подачей посыпать зеленью.



### Творожный десерт

150 г нежирного творога смешать с любыми ягодами (клубника, малина). Сверху полить чайной ложкой жидкого светлого меда.



### Рыба с лимоном

Филе рыбы нарезать порционными кусочками, посолить и поперчить. Выложить в противень, рядом выложить несколько ломтиков лимона. Готовить в духовке около 15 минут. Подавать с салатом из базилика и томатов.



## Если обычный кефир надоел...

Вряд ли кто-то поспорит, что кефир – вкусный и полезный для здоровья продукт. Все знают, что в кефире содержится много полезных веществ (витаминов, микроэлементов, пробиотиков). Более того, в кефире очень мало калорий, поэтому этот продукт просто незаменим для тех, кто следит за фигурой.

В то же время, если обычный кефир надоел, можно приготовить на его основе что-то необычное – кефирный коктейль, кефирный смузи или ласси на кефире. Как можно приготовить кефирный напиток? Все рецепты рассчитаны примерно на 2 порции.

### Кефирный напиток с мятой и мякотью огурца

- 2 стакана кефира;
- 1 средний огурец;
- 1 чайная ложка сахара;
- 0,5 стакана холодной минеральной воды без газа;
- несколько листочков свежей мяты;
- 2 ломтика лимона.

Огурец натрите на терке. Мята измельчите. Разложите измельченный огурец и мяту в стаканы, добавьте немного сахара, залейте кефиром и минеральной водой. По желанию, украсьте стаканы ломтиками лимона.



### Яблочно-кефирный перекус

Этот напиток идеально подойдет для тех, кто сидит на диете и следит за фигурой. Калорий в нем совсем немного, при этом можно хорошо утолить голод – без вреда для фигуры.

- 3–4 средних яблока;
- 1,5 стакана обезжиренного кефира (можно также взять обезжиренную кисломолочную закваску);
- щепотка корицы.

Этот коктейль можно приготовить двумя способами. Первый: натереть яблоки на терке и залить кефиром. Второй: сложить ингредиенты в блендер и хорошо измельчить.

### Самый простой кефирный коктейль

- 2 стакана кефира;
  - щепотка молотой корицы;
  - щепотка молотого имбиря;
  - щепотка молотого красного перца;
  - несколько столовых ложек минеральной воды.
- Перемешайте ингредиенты, оставьте на несколько минут – вкусный коктейль готов!

## Как правильно готовить вечернюю трапезу?

Необходимо отдать предпочтение белковым продуктам и овощам. Лучше всего, если на ужин будет приготовлена рыба с салатом или творожная запеканка с фруктами. Хорошо подойдет омлет с овощами. То есть блюда должны быть легкими, но сытными.

Есть правила, которые помогут приготовить полезный ужин:

- порция должна быть небольшой – 200–300 г;
- калорийность ужина должна составлять примерно 300–400 ккал;

• овощей и зелени должно быть в два раза больше, чем белковых продуктов;

• пищу надо варить, тушить или запекать;

• есть надо не позднее, чем за четыре часа до сна;

• если очень хочется есть, можно за час до сна выпить стакан кефира, но это уже второй ужин, он должен быть совсем легким.

## Что можно использовать?

• яйца – их можно готовить всмятку или делать омлет;

• нежирное мясо – кролик, курица, говядина;

• овощи – капуста, огурцы, шпинат, сельдерей, томаты, лук-порей, редис, кабачок, тыква, болгарский перец, морковь, свекла, кукуруза, баклажаны;

• кисломолочные продукты с низким процентом жирности – кефир, творог, ряженка, йогурт;

• цельнозерновой хлеб;

• фрукты и ягоды, кроме винограда и бананов;

• теплое нежирное молоко.

## Запрещенные продукты:

- майонез;
- каши, кроме гречневой;
- картофель;
- бобовые;
- макароны;
- сладости.

Задача ужина снабдить организм строительным материалом, то есть белком, для восстановления тканей. Следовательно, можно есть белок, но он должен легко усваиваться, поэтому нельзя есть жирное мясо или калорийные молочные продукты. Энергии во время сна мы тратим мало, поэтому сложные углеводы (каши, выпечка) не стоит употреблять вечером. То есть жареная картошка с жирной отбивной и майонезом – это пример того, как нельзя есть вечером. А вот кусочек отварной или тушеной курицы с салатом из свежих овощей прекрасно подойдет для вечерней трапезы.

## Хотите похудеть?

Отказываться от ужина нельзя. Ведь организм решит, что необходимо откладывать жир про запас на случай голода. В результате через некоторое время вместо потери веса, добавятся лишние килограммы.

Для похудения стоит выбирать следующие продукты: любую капусту, яблоки, сельдерей, нежирный творог, кефир, йогурт, яйцо (вареное или омлет), морскую капусту, нежирную рыбу в малом количестве. Можно потушить овощи, приготовить омлет с овощами или зеленью, отварить кусочек рыбы и приготовить салат из свежих овощей, сварить легкий овощной суп. А можно просто выпить стакан кефира или ряженки, если есть не очень хочется.

Полезно добавлять в блюда для ужина специи и пряности, которые ускоряют обмен веществ. Это острый перец, имбирь, кориандр, чеснок, горчица, хрен, корица. Например, можно добавить корицу в кефир, а имбирь в салатную заправку.

Если вечером хочется съесть что-нибудь сладкое, можно выпить травяного чая с ложечкой меда. Подойдет мята, ромашка, липа, Melissa. Если не любите чай на травах, можно просто заварить зеленый чай или попробовать оригинальный яблочный чай с корицей и апельсином.

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

**Сайхунободлик Сайфулла Кичкинабеков (исм-шарифлар ўзгартирилди)нинг ёши элликка яқинлашиб қолди. У тенгилар келинли, куёвли бўлиб, невараларини эркалатиб юрибди. Сайфулла эса ҳамон ичкилик ботқоғидан чиқолмапти. Аниқроғи, чиқишга ҳаракат ҳам қилмапти. Ҳамқишлоқлари уни кўрганда бир ижирганиб кўяди. Тенгдошлари сафидан қачон чиқиб кетганини ўзи ҳам билмайди. Топганини ичкиликка сарфлайди. Энг ачинарлиси, у ишлаб пул топмайди.**

Бугун ҳам боши оғриб ўрнидан турди. Кеча укасидан олган пулнинг ҳаммасини ичиб бўлди. Энди бугун «яримта»га пулни қайдан топади? Уни ана шу савол қийнади. Яна ўғрилиқ қилсинми? Маҳалладагиларга, профилактика инспекторига бошқа қинғир йўлга юрмайман, ичкиликни ташлайман деб, сўз берганида кимдир бу нечанчи қасам, деди. Ҳамма кулиб юборди. Аммо одамлар унга ишонди, яхши йўлга киришига умид қилди.

Шу тобда ўтган умри бирма-бир кўз олдидан ўта бошлади. Болалигидаёқ кимнингдир олмасини, шафтолисини қоқиб, мевасидан еб юрарди. Одамлар, ота-онасининг насиҳатлари, дўқ-пўписалари кор қилмасди. Вояга етгандан кейин ҳам бирор ишнинг бошини тутмади. Амаллаб армияда хизмат қилиб келди. У ерда ҳам ўғрилиқ қилиб, қамалиб кетишига бир баҳа қолди. Хизматдан қайтиб бироз вақт пахта тозалаш заводига ишлаб юрди. Ота-онаси турмуш курса, бу қилигини ташлар, деган умидда шу қишлоқлик бир қизга уйлантириб қўйишди. Бироқ ичкилик туфайли оила барбод бўлиб, хотини кетиб қолди.

Йиллар ўтгач, укалари оила қурди: бола-чақали бўлиб, иноқ яшай бошлади. Аммо Сайфулла бошқа оила қуришни ўйлаб ҳам кўрмади. У доим ўзини ҳақ

деб ҳисоблаб юрарди. Бу орада икки марта судланиб, жазо муддатини ўтаб келди. Бироқ булар унга сабоқ бўлмади.

Мана, кеча укасининг олдига ейишга нон ҳам қолмади, дея тиламчидай бўйини қисиб борди. Укаси насиҳат қилиш бефойдалиги учун пул бериб юборди. Сайфулла ўзига яқин улфатлари билан бор пулни ичиб бўлди.

У ўрнидан туриб, энди кичик укасининг олдига бориш ниятида кўчага чиқди. Янги иморатлар қурилаётган маҳалла томонга бурилди. Сал юрганди ҳамки, бир хонадондан мотор товуши эшитилди. Миясига келган фикрдан суюниб, дарвоза олдига борди. Ҳовлида экинлар яшнаб ётибди. Бир чеккада эса сув насосидан чиққан оби ҳаёт эгатларга таралаяпти. Сайфулла мушукдай пусиб ҳовли ичкарасига кирди. Секин атрофга назар ташлади. Ҳеч ким

— Содиқ, сув насоси бор, олмайсанми? — дея сўради Сайфулла.

— Ўзингикими? Қаердан олдинг? Ўғрилиқ мол эмасми? — дея суриштирди Содиқ.

— Акамники, сотиб бергин, деганди, нархи икки юз минг сўм.

— Майли, бориб кўрай-чи, — деди Содиқ ва мотоциклини ортага буриб, Сайфулланикига келишди.

— Анча ишлаган экан, юз минг сўмга берсанг, оламан, — деди Содиқ.

Сайфулла худди ўз молини сотаётгандай савдолаша бошлади.

Охири, Содиқ бир юз йигирма минг сўм берадиган бўлди.

Чўнтагига пул тушган

## СУТ БИЛАН КИРГАН...

кўринмади. Кейин бориб моторни тоқдан узди, резина шлангини суғуриб ташлади ва насосни қопга ўраб кўчага чиқди. Ҳеч ким кўринмади. Электр насосни уйига олиб бориб беркитиб қўйди.

Иш хамирдан қил суғургандай осон битганидан хурсанд бўлиб, энди уни сотиш йўлини излай бошлади. Кўчага чиқиб дўкон томон бораётганида ортидан кажавали мотоциклда таниши С. Содиқ келиб қолди. Таниши у билан сўрашишни ҳам ор билиб ўтиб бораётганди. Сайфулла тўхтатди ва тезда мотоциклга мингашиб олди.



Сайфулла яна машабозликни бошлаб юборди. Ётиб еганга тоғ чидармиди, яна бир томони ўғрилиқ молнинг баракаси бўлмади. Икки-уч кунда Сайфулла яна мирқуруққа айланди. Ўғрига мол қаҳатми, деганларидай, у қўшни маҳалладаги танишиникига пул сўрагани кетаётганди, қараса, бир дарвозанинг олдига янги велосипед турибди. Атрофга аланглаб қараган Сайфулла ҳеч ким йўқлигини кўриб, тезда велосипедни миниб ортига қайтди. Ҳайтовур, катта йўлга

чиққунича ҳеч ким учрамади. У яна бир бор ортига қараб олди-да, велосипедни жадаллади.

Кимга сотсам экан, деб бораётганди, харидор ҳам йўлидан чиқди.

— Сайфулла ака велосипедда қаёққа кетяпсиз? — деб сўради ёнбош кўчада яшайдиган йигит.

— Укамнинг велосипеди, сотиб беринг, деганди, харидор қидириб юрибман, — деди Сайфулла.

— Далага боришга эскироқ бўлса ҳам, велосипед олмоқчи эдим, менга сота қолинг, — деди йигит.

— Майли, акамнинг қайноғаси дўстим бўлади, йигирма минг бер, ана миниб кетавер, — деди Сайфулла харидор топилганидан оғзининг таноби қочиб.

Савдо пиши, йигит йигирма минг сўм санаб берди. Сайфулла эса тўғри дўконга қараб йўл олди. Аммо узоққа боролмади. Ички ишлар органи ходимлари уни ўғрилиқда гумон қилинувчи сифатида қидириб юришганди, дўконга етмаёқ, машинага ўтқизиб туман ИИБга олиб боришди.

Сайфулла сув насосини қандай ўғирлаганини гапириб бераётганида навбатчилик қисмига велосипед ўғирлангани ҳақида хабар келди. Хабар берган фуқаро Сайфулланинг йўқолган велосипедни миниб кетаётганида кўриб қолганини ҳам баён этганди. Тергов давомида Сайфулла велосипедни ўғирлаганини ҳам тан олди ва кимга сотганини айтиб берди.

«Сут билан кирган, жон билан чиқад», деган мақол бекорга айтилмаган. Бу пурмабно нақл Сайфуллага ҳам тегишли эканини унинг ҳаётидаги бир-иккита ҳодисадан ҳам билиб олса бўлади. Бир неча марта судланиб, тавба қилмаган бу кимса яна қора курсидан жой олди.

**Фозил ҚОДИРОВ,**  
майор.  
**Садриддин ШАМСИДДИНОВ,**  
«На посту» муҳбири.  
Сирдарё вилояти.

## ОДАМ САВДОСИ – ОҒИР ЖИНОЯТ

## ОНА МЕҲРИГА ТҶЙМАГАН ҚИЗАЛОҚ

**Ижтимоий тармоқларда тарқалган видеороликни кўриб, қалбим чексиз фаҳрга тўлди. Унда хорижий телеканаллардан бирининг бошловчиси шундай дейди: «Бир муҳим ҳолатга эътибор қаратишингизни сўрайман: кўпчилик билмайди, 1941 йилда буюқ ўзбек халқ ўзбекистонга юборилган**

**650000 нафар етим болани фарзандликка олган. Буни фақат буюқ миллат қила олади».**

**Бу гапларни эшитиб, Маҳкамовлар оиласи мисолида реал воқеалик асосида ишланган «Сен етим эмассан» кинофильмини эсладим. Бироқ...**



Зарина (исмлар ўзгартирилди) тўққизинчи синфни тугатганидан сўнг оиладаги ётишмовчиликлар сабаб ўқишни давом эттира ол-

майди. Икки йил фабрикада ишлади. Кейин олмаси Фарида билан ишлаш учун Россияга кетди. У ерда аввалига ресторанда идиш юувчи бўлиб ишлади, сўнгра олмаси билан бошқа шаҳарга бо-

риб, меҳмонхонада фаррошлик қилди. Кунларнинг бирида Зарина кафедра бир йигит билан тани-

шиб қолди. Бирга овқатланди. Зиёфат қуюқ бўлди, йигит ҳам «мард» экан, ноз-неъматлар, спиртли ичимликларнинг адоғи кўринмади.

Кейин нима бўлганини эслаб олмайди, боши ёрилгудек бўлиб уйқудан уйғонганида меҳмонхонада эди.

Зарина йигитни ҳам, зиёфат чоғидаги ўртоқларини ҳам бошқа кўрмади.

Орадан икки ойлар ўтгач, қиз ҳомиладор эканлигини билди. Кўрққанидан бу ҳақда ҳеч кимга чурқ эта олмайди. Кейинчалик яширишдан фойда йўқлигини билиб, олмасига айтди.

Ёз фаслининг охириларида Зарина олмаси билан Ўзбекистонга қайтди. Отасидан ҳайиқиб, бошқа вилоятдаги дугонаси Ўлмасойнинг уйда

яшай бошлади. Кўп ўтмай, туғуруқхонада қиз фарзандни дунёга келтирди.

Олмасига бола керак эмаслигини билгач, Дилором исмли аёл чақалоқни фарзандликка олишини маълум қилиб, туғуруқхонада уларнинг ҳолидан хабар олиб турди. Кейин Заринанинг яшаш манзилига бориб, чақалоққа керакли барча ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашди.

Шу орада Зарина олмаси билан келишиб, Дилоромга қизини 400 АҚШ долларига сотишини маълум қилди. Дилором бу сўзларни эшитиб, қарахт бўлиб қолди. Наҳот, инсонни ҳам сотиш мумкин бўлса, ана илож, рози бўлди.

...Зарина туғуруқхонадан фарзанди ва олмаси билан чиққанида, кўчада уларни Дилором кутиб турган эди.

— Дилором опа, чақалоқ соғлом, синглимни ҳам кўриб турибсиз, бақувват ва чиройли, — деди Фарида. — Энди пулни беринг, болани олинг.

Бу гапдан Дилоромнинг жаҳли чиқса-да, билдирмади, қулимсираганча деди:

— Четроққа ўтайлик, биров кўрмагани маъқул.

Учала аёл хилватроқ жойга ўтди. Дилором 400 АҚШ долларини Заринага берди ва олмасининг қўлидан чақалоқни олди.

Зарина ва Фариданинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Туғуруқхона дарвозасидан чиққани ҳамон опа-сингил ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди.

**Файрат НЕЪМАТОВ,**  
Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг судьяси.

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

## ШАФФОФЛИК СОҶА РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бўлимда ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун тест синовларига киришдан олдин барча имтиҳон топширувчиларга ID рақам бериладиган бўлди. Бу орқали фуқаролар хонадаги хоҳлаган компьютерга шахсий рақамини ки-

ритиб, имтиҳон топшириш, шу ернинг ўзида имтиҳондан ўтган-ўтмаганини билиши мумкин. Ташқаридаги кутиш залида уларнинг яқинлари тест жараёнини иккита катта мониторда тўғридан-тўғри кузатиб туришади. Кутувчилар эса бепул интернетдан фойдаланиш,

ўрнатилган тестлар таблосида ўз билимини синовдан ўтказиш имкониятига ҳам эга.

– Мониторлар орқали кутувчилар яқинларининг имтиҳон топшириш жараёнини бевосита кузатиб туришади. Бу шаффофликни таъминлаш билан бирга,

соҳада коррупциянинг олдини олишда қўл келади, – дейди бўлим бош инспектори, подполковник Саркор Аҳмедов. – Мақсадимиз имкон қадар жараёнга инсон омили аралашувига чек қўйиш, фуқароларга қулай шароит яратишдан иборатдир.

Шубҳасиз, бу янгиликлар соҳа ривожига хизмат қилади. Зеро, соҳа ходимлари фуқароларни рози қилишни, уларга қулай шароит яратишни бош мақсад қилишган.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ.**  
**Абу КЕНЖАЕВ** олган суратлар.

### ЎҚУВ-СЕМИНАР

## ҚАРОР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда ИИБ Интерпол миллий марказий бюросида мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижросига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.



ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ва вилояти ИИББ ҳамда барча вилоятлар ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармалари бошлиқлари, электрон ахборот тизими бўлимларининг бир нафардан ходими, шунингдек, Тошкент шаҳрининг барча туман ИИОФМБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларининг бошлиқлари ва маълумотлар йиғиш пункти операторлари иштирок этди.

Тадбир аввалида сўз олган ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғи, полковник У. Муҳамедов ўтган йили амалга оширилган ишларга батафсил тўхтади.

Шундан сўнг сўзга чиққан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида-

ги Давлат персоналлаштириш маркази директори Н. Тўрахўжаев хорижга чиқиш биометрик паспорт тизимини модернизация қилиш доирасида дастурий таъминотларга киритилган бир қатор қўшимча ва ўзгаришлар тўғрисида маълумот берди.

Ўқув-семинарда сўзга чиққан бошқа маърузачилар ҳам хорижга чиқиш биометрик паспорт курилмаларидан фойдаланиш ҳамда ушбу дастурий таъминотга киритилган айрим ўзгаришлар, шунингдек, ходимларнинг хизмат интизоми, қонунчиликка риоя қилиш ҳамда фуқаролар билан мулоқот чоғида хушмуомаллада бўлиш лозимлиги хусусида тўхталиб ўтишди.

Тадбирда иштирокчилар томонидан берилган барча саволларга мутахассислар атрофлича жавоб қайтаришди.

**Михил САФАРОВ,**  
**«Postda» муҳбири.**

### ТАЙНЛОВ

Полковник

Жўраев Муҳиддин Уткурович – Фарғона вилояти Кўқон шаҳар ИИОФМБ бошлиғи лавозимига тайинланди.

Шунга қадар М.Жўраев Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг Жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари лавозимида фаолият юритган.

### ҲУДУДЛАРДА

## ХИЗМАТДА ЯНГИ АВТОМАШИНАЛАР

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бирига айлангани ҳеч кимга сир эмас. Шу боис мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Сурхондарё вилоятида ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда.



Вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан йўлларда ҳаракат хавфсизлигини самарали таъминлаш, автоҳалокатларнинг олдини олиш ва улар сонини камайтириш мақсадида сезиларли ишлар олиб борилмоқда. Таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда мунтазам равишда турли профилактик тадбирлар ўтказилляпти. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Биргина ўтган йили вилоят ҳудудида рўй берган йўл-транспорт ҳодисалари аввалги йилга нисбатан 8,2 фоизга камайгани бунинг тасдиғидир.

Маълумки, юқори самарадорликка эришишда соҳавий хизмат

моддий-техник базасининг мустақамланиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, яқинда вилоят Ички ишлар бошқармасида йўл-патруль хизмати ходимларига янги хизмат машиналари берилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда соҳавий хизмат ходимларига мамлакатимизда келлаб чиқарилган 12 та замонавий хизмат машинасининг калитлари тантанали топширилди. Зарур ускуналар билан жиҳозланган мазкур автотранспорт воситалари келгусида фаолият самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Камол ОЛЛОЁРОВ,**  
**«Postda» муҳбири.**

ЁШЛАР — КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

## ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

**М**амлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналиши ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга оширишга қаратилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар бир чиқишида келагимиз давомчиларининг таълим-тарбияси ҳақида алоҳида тўхталиб, муҳим ташаббус ва таклифларни илгари суриб келаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, она юртимизнинг ёруғ истиқболини бугун камол топаётган ўғил-қизларимизнинг юксак билими, салоҳияти белгилаб беради.

Ички ишлар вазирлиги Академиясида ўтказилган очик мулоқотда шу ҳақда сўз борди. Унда таълим муассасаси раҳбарияти, соҳа фахрийлари, вазирлик қошидаги 1 ва 2-сонли академик лицейлар ўқувчилари ва устоз-мураббийлар иштирок этди.

Тадбир аввалида ўқувчилар Академия тингловчи ва курсантларининг билим олиши, касбий кўникмаларни эгаллаши ва маънавий ҳордиқ чиқариши учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди. Шинам ва ёруғ маъруза заллари, ўқув-машғулот хоналари, спорт иншоотлари, ётоқхона бинолари, замонавий мейморчилик анъаналари руҳида қад ростлаган Ахборот-ресурс маркази уларда катта қизиқиш уйғотди.

Шундан сўнг таълим даргоҳининг Маънавият ва маърифат марказида ёшлар билан бевосита мулоқот ташкил этилди. Академия бошлиғи, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов сўз олар экан, ёшларга оид давлат сиёсати доирасида ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонлиқни тарғиб қилиш, иқтидорли ўғил-қизларни ҳар томонлама

қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтди.

– Айтиш керакки, ҳозирги тезкор давр ҳар биримиздан маърифатли бўлишни, огоҳлик ва хушёрликни, аиниқса, ёш авлод таълим-тарбиясига янада масъулият билан ёндашишни тақозо қилмоқда, – деди у. – Биз ёшларимиз билан доимий мулоқот қилсак, уларни ўйлантираётган муаммоларни ижобий ҳал этсак, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга



етишиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб берсак, иқтидори ва салоҳиятини қўллаб-қувватласак, ўйлайманки, келажакка мустаҳкам пойдевор яратган бўламиз.

Мулоқот чоғида Президентимизнинг «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори асосида тизимда амалга оширилаётган ислохотлар, ИИВ Академиясининг кадрлар тайёрлаш салоҳияти, ўқув жараёнига татбиқ этилаётган замонавий педагогик ёндашувлар, тингловчи-курсантларнинг касбий, жанговар ва жисмоний кўникмаларини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Тадбир давомида лицей ўқувчилари ўзларини қизиқтирган саволларга

атрофлича жавоб олишди. Иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, таълим-тарбия жараёнида тажриба алмашинуви кенгайтириш, ҳамкорликда ўқув машғулоти ташкил этиш борасида билдирилган таклифлар қўллаб-қувватланди.

Шу куни фанларни аъло баҳоларга ўзлаштираётган, намунали хулқи, фаоллиги ва ташаббускорлиги билан тенгдошларига ўрнатилган кўрсаткич ўқувчиларга Ички ишлар вазирлиги Академиясининг фахрий ёрлиғи тантанали равишда топширилди. Бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг куй-қўшиқлари, Академия тарихи музейига саёҳат, кўргазмали қуроллар намойиши барчада ёрқин таассурот қолдирди.

**Жамшид ХОЛОВ,**  
ИИВ Академияси матбуот хизмати ходими.



## НАВОИЙ ИЗДОШЛАРИ

Ҳаётнинг ҳар битта ҳикматида ҳам,  
Устоз берган кичик ибратида ҳам.  
Қизларнинг ҳаёси, иффаотида ҳам,  
Мен сизни эслайман, Навоий бобо.

Шод ўғил-қизларнинг кўзларида ҳам,  
Оқилу донолар сўзларида ҳам,  
Ҳатто шоирларнинг ўзларида ҳам,  
Мен сизни эслайман, Навоий бобо.

Ўйноқчи шаббода тин олганида,  
Туйғулар шеър бўлиб дил ёрганида,  
Фахру ғурур ҳақда сўз борганида,  
Мен сизни эслайман, Навоий бобо.

**Сардорбек РАФИЕВ,**  
ИИВ Самарқанд академик лицейи ўқувчиси.



## ПОСБОНИНГМАН, ВАТАН!

Тилим ожиз, таърифингни келтиролмас,  
Ватан, меҳринг билан яшай ҳар онда.  
Ишончинг оқласам, армоним қолмас,  
Хизматингда турай токи жон танда.  
Ёзилмаган достонингман, Ватаним,  
Марду майдон посбонингман, Ватаним!

Тарих саҳифасин варақлаб аста,  
Боболарим билан фахр этаман.  
Юртим, энди сира бўлма дилхоста,  
Сен-ла бирга, албат, бахтга етаман.  
Ёзилмаган достонингман, Ватаним,  
Марду майдон посбонингман, Ватаним!

Чаманзор, боғларинг таратар ифдор,  
Асло қўнмагай гард, қўнмасин ғубор.  
Мусаффо осмонинг остида яйраб,  
Кўксимда жўш ураб чексиз ифтихор.  
Ёзилмаган достонингман, Ватаним,  
Марду майдон посбонингман, Ватаним!

**Фарангиз ЭРГАШОВА,**  
ИИВ Бухоро академик  
лицейи ўқувчиси.

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

# КЎЗИНГИЗНИ АВАЙЛАНГ



**К**ўзойнак тақиш ташқи кўринишни бузадиган камчилик эмас. Бунгун кунда кўзида бирор жиддий ўзгариш бўлмаган киши ҳам ўз имижини ўзгартириш мақсадида услубига мос гардишли кўзойнаклар тақиб олганини кузатиш мумкин. Демак, энг аввало, «Кўзойнак менга ярашмайпти», деган фикрни миянгиздан чиқариб ташланг.

**А**гар кўз шифокори сизга узокни кўриш учун кўзойнак ёзиб берган бўлса, ўз-ўзидан маълумки, у буни анча масофа наридаги нарсаларни кўриш учун тавсия қилган. Лекин узокни кўришга мўлжалланган кўзойнаклар яқин масофадаги ишларни бажараётган вақтда — компьютер қаршида, китоб ё газета ўқиётганда кўздан олиб қўйилгани мақсадга мувофиқ.

**К**ўриш қобилиятидаги ҳар қандай ўзгариш (яхши ё ёмон томонга) кўзойнакларни алмаштиришни талаб қилади. Агар танланган кўзойнак кўришда нокулайлик туғдирса, кўзингизни толиқтириб қўймай, дарҳол алмаштиринг. Гардиш шакли ўзгарган ва тирналган линзаларни тақиш мумкин эмас.

**Я**нги кўзойнак соғлиқ учун фойдали. Агар сиз қандай танлашни билмаётган бўлсангиз, тавсияларимизга амал қилинг.

**А**ввалига унинг гардишини танлаймиз. Гардиш енгил, қулай ва

юзга мос тушиши керак. Кулоққа ёки қаншарга босим бермаслиги, гардиши ва четлари кўриш майдонини чегараламаслиги лозим. Бошқача айтганда, кўзойнак таққанда унинг гардишини кўрмаслигимиз керак. Хоҳишингизга кўра, металл ёки пластик гардишлисини танлаш ўз ихтиёрингизда. Қоида тарикасида, оптикаларда гардиш танлашга ёрдам берадиган тажрибали ходимлар ишлайди, улар гардишга мос ойна танлашга ҳам ёрдам беришади.

**Б**иринчи бор кўзойнак таққанингизда ҳамма нарса яхши кўринадди, кейин эса аллақандай хис пайдо бўлади: ё кўзингиз яхши кўрмайди ёки бўлмаса, кўзойнак негадир яхши тушмайди. Ҳар икки ҳолатдаги вазият кўнглингиз хижил бўлишига асос бўлади. Шу боис дарҳол офтальмологга учрашинг ва текширувдан ўтинг. Шунда нима учун кўзойнак таққанингизда ўзгариш бўлганини биласиз.

**А**гар кўришингиз ҳақиқатан тақсам кўзим ўрганиб кетади деб, ўзингизни овутишга уринманг. Вақтда шифокорга учрашиб, у билан маслаҳатлашинг.

**У**нутманг, кўз билан боғлиқ ҳеч қандай муаммо ёки наслий омиллар хатари бўлмаган кишилар ҳам ҳар 3—5 йилда текширувдан ўтиши керак.

# ДАРДНИ УРУҒЛАР ОЛАДИ

Қадимда ўсимлик уруғларидан турли касалликларни даволашда фойдаланишган. Қуйидаги маълумотларни ўқиб, ўзингиз бунга амин бўласиз:



**Беҳи** уруғи нафас йўлининг яллиғланиши ва диққинафасликда қайнатиб ичилади.

**Арпабодиён** уруғи қайнатмаса хиқилдоқ яллиғланиши ва овоз йўқолганида буюрилади. Бу қайнатма терини ҳам тозалайди.

**Зигир** уруғи қайнатиб ичилса, ичакларни бўшаштиради ва ички шишларни қайтаради.

**Сабзи** уруғини туйиб, овқатдан олдин истеъмол қилинса, жигар, буйрак ва ўт пуфагидаги тош ҳамда қумларни ҳайдайди.

**Сули** дони худди арпа уруғи каби йўталда, ўпка яллиғланишини даволашда фойда беради.




Сули ва арпа донлари қайнатмаса жаррохликни бошдан кечирган ва касаллик оқибатида ҳолсизланиб қолган беморга қувват бўлиш учун тавсия этилади. Буйрак касалликлари (қовуқнинг яллиғланиши, уретрит, пешоб йўлларида тош йиғилиши, жигар касалликлари) да ҳам фойдали.

**Зира** уруғи қайнатмаса диққинафаслик, ўпка яллиғланиши, сурункали ўткир яллиғланишда ичилади. Шунингдек, иштаҳа очади, метеоризмни бартараф қилади.

**Зубтурум** (баргизуб) уруғи қайнатмаса овқат ҳазм қилиш жараёнининг бузилиши, меъда огриғи, ич қотишида ичилади. Зубтурумнинг бутун ёки туйилган уруғи сурункали ич кетишни тўхтатади.



**Қовоқ** уруғидан тайёрланган қайнатма организмдаги гижжаларни ҳайдайди.



**Шивит** уруғи кўп дардларга даво. Овқат ҳазм қилиш жараёнининг бузилиши, меъда ва ичак огриқлари, хиқичоқда қайнатмаса буюрилади. Овқат ҳазмини яхшилаш билан бирга, сурункали йўтални камайтиради. Ҳар қандай ёшдаги одамнинг пешоб тутолмаслигини қолдиради, ўт-тош касаллигига даво бўлади.

**Ловия** атеросклероз, юрак уриши мароми бузилишида фойда қилади. У яна қонда қанд миқдорини ҳам пасайтиради.



Адолат ФАЙЗИЕВА тайёрлади.

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Сурхондарё вилояти Қумкўрғон тумани Гулистон маҳалласида яшовчи Н. Эшмирзаев туман прокуратурасига мурожаат қилиб, 1987 йилда туғилган ўғли **Самад Номозқулович Эшмирзаев** 2019 йилнинг ноябрь ойида яшаш уйидан Денов туманига бориб ишлайман деб, чиқиб кетганча қайтиб келмагани ва бедарак йўқолганини билдирган. Ўғлини топишда амалий ёрдам сўраган.

**С. Эшмирзаевнинг белгилари:** бўйи 180–185 см., озгиндан келган, сочлари қалин ва қора рангда, тишлари тушган, қошлари сийрак.

Ўша куни унинг эғнида **қора рангли куртка, қора рангли шим, оёғида қора рангли спорт пойабзали** бўлган.

**Алоҳида белгилари:** руҳий хаста, руҳий касаллар ҳисобида туради.

**С. Эшмирзаевни кўрган ёки у ҳақда бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан «102» телефон рақамига кўнғироқ қилишларини ёки яқин атрофдаги ички ишлар органига хабар беришларини сўраймиз.**



## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги полковник Фуломжон Бобораҳимовга волидаи муҳтарамаси

**ТУРДИХОН онанинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник

**Убайдулло МАМАЖОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши ИИБ Ўз хавфсизлиги бошқармаси вилоят бўйича бўлими бошлиғи, подполковник Нурали Овляевага падари бузруквори

**ЎРОЛ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



# Детская Страничка



Вообще-то, я люблю завтраки. Особенно, если мама вместо каши варит сосиску или бутерброды с сыром делает. Но иногда хочется чего-нибудь необычного. Например, сегодня или вчерашника. Я как-то попросил у мамы сегодня, но она посмотрела на меня удивленно и предложила подник.

– Нет, – говорю, – мне бы именно сегодня. Ну, или вчерашник, на худой конец...

– Вчера на обед был суп... – растерялась мама. – Тебе разогреть?

В общем, ничего не поняла.

А я и сам толком не понимаю, как эти сегодня и вчерашники выглядят и какой у них вкус. Может, у вчерашников и вправду вкус вчерашнего супа. Но какой же тогда вкус у се-

годня? Наверное, чего-нибудь сегодняшнего. Завтрака, например. С другой стороны, почему завтраки так называются? Ну, то есть, если по-правилам, то завтрак должен называться сегодня, потому что мне его сегодня приготовили и есть я его буду сегодня. Вот если я его оставлю на завтра, то тогда уже совсем другое дело. Хотя нет. Ведь завтра он уже станет вчерашником.

Я уже совсем запутался, когда мамин голос прервал мои размышления:

– Так тебе кашу или суп? – осторожно спросила она.

– Давай суп, – ответил я и со вздохом добавил.

– На завтрак.


Ирина ЗАРТАЙСКАЯ.

## ТРОТУАР

(Стишок с ребусом)

Для машины, знают все,  
Есть дороги, есть шоссе.  
Помнит также мал и стар,  
Пешеходам – тротуар.  
Я иду по тротуару,  
Я гуляю не спеша.  
И прогулка не опасна,  
И погода хороша.

Наталья МИГУНОВА.



## РЕБУС

И 100'3Я

## У кого какой дом

У меня самый скоростной дом, – сказала черепаха. – Он крепче и легче. – Не свались, – ответила змея. – Мой самый красивый. Он похож на музыкальный. – Этот разговор услышала птица. – Мой лучше всех! – чирикнула она. – Его называют домиком. Его построил Витя. Он сам залез на него и повесил на нем. У меня такое маленькое! Даже кот, всем известный, не сможет прийти ко мне в гости!

## ЭТИ ДЕТИ!

ЯСМИНА – 5 лет.

Мама работает на вредном производстве и получает молоко. Когда она в очередной раз принесла полную сумку молока, дочка спросила:

– Откуда?

– С работы, за вредность.

– У-у-у!!! Как много ты навредничала! – воскликнула дочка.

\*\*\*

МУРАД – 7 лет.

С вечера забросил куда-то свои носки, утром ползает по полу – ищет. Один нашел и разговаривает сам с собой:

– Где же второй? Второй, второй, я – первый! Прием! Иду на связь!

\*\*\*

ГУЗАЛЬ – 6 лет.

– Мама, наша бабушка уже совсем ничего не собирает...

– Это почему же?

– Когда мы к ней в гости приезжаем, она меня не узнает. Каждый раз спрашивает: «Ой, кто это к нам пришел?!»




В жёлтой коробке хранится НЕ пирамидка и НЕ юла. В зелёной – НЕ юла.

Что нужно положить в синюю коробку?

## ЗИМНИЙ СКАНВОРД

Разгадай сканворд и найди слова, которые обозначают зимние развлечения.



Составила Юлия Коровина

## Стишки-обманки

### А КАК ВЫ БЫ ОТВЕТИЛИ?

Стишки-обманки заканчиваются словом в рифму, но ответ должен быть совершенно не таким. Нужно совсем немножечко подумать, чтобы догадаться, какое слово является разгадкой на самом деле.

Хвост веером, на голове – корона.  
Нет птицы краше, чем **ворона**.



Лишь только свет дневной потух,  
заухал в темноте **петух**.

Друг зверей и друг детей –  
Добрый доктор **Бармалей**.




Мышь считает дырки в сыре:  
Три плюс две – всего **четыре**.

Ночью каждое оконце  
Слабо освещает **солнце**.



Кукарекает спросонок  
Милый, добрый **поросёнок**.

СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ



# ҚИЗИЛ ГУЛ БАРГИДА ЯЛТИРАБ ТУРГАН ШАБНАМ...

«Чироғинг ўчганда дўст-ку, дўст ҳатто, Кўчангдан ўтмайди парвоналар ҳам...» Сохта дўстлар, ёлгончи, иккиюзламачи, хушомадгўйларга кўзгу тутувчи бу ҳаётинг мисралар халқимизнинг севимли шоири Шамсиддин Садой қаламига мансуб. Шоирнинг юракни жиз эттирадиган дардчил ва халқона шеърларида ўз дардингизни ҳис этгандай бўласиз. Ҳаётингизда рўй берган гоҳ ғамгин, гоҳ қувноқ — сизга бегона бўлмаган тақдир чизгилари қоғозда жилваланиб турганидан ҳайратга тушасиз. Англаганингиздек, бу галги меҳмонимиз таниқли шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси Шамсиддин САДОЙИ.

— «Мен учун дунёда ҳаммадан баттар ҳайратни билмаган одамлар шўрлик», деган эди таниқли болқор шоири Қайсин Қуллев. Ижодкор сифатида бу ёруғ оламда сизни нималар ҳайратлантирган?

— Адабиёт аталмиш бу гулистонни сайр этиб юрган бир шайдо йўловчи сифатида ҳали мактабда ўкиб юрганимдаёқ мумтоз асарлар мени ўзига ошуртаю асир айлаган эди. Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Огахий, Фуркат, Фузулий, Махтумқули, Муқимий асарларини ўкиб ҳайратланганман. Шу ҳайратлар таъсирида улғайганман.

— Шоирликни кимдир қисмат деса, кимдир дардларнинг таржимонига менгзайди. Сизнингча, нима у?

— Шоир, назаримда, қизил гул баргида ялтираб турган шабнам ёҳуд минглаб гулу гунчаларга кўниб, ҳам уларни хурсанд қилиб, ҳам ўзи шод бўлиб, шу гуллар чиройига чирой кўшиб, қисқагина умрини шу чаманзорга бағишлаб жон берган капалакка ўхшайди...

— «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар», дейишади. Шу маънода,

қайси соҳада бўлмасин, киши муваффақият қозониши учун устозлар кўмагига эҳтиёж сезади. Шеърингизнинг машаққатли йўлларида сизга кимлар устозлик қилган?

— Устозларим... Аввало, қўлимга қалам ушлатиб, хат-саводимни чиқарган, китоб ўқишга муҳаббат уйғотган азиз ўқитувчиларим илк устозларимдир. Қ. Латипов, М. Ражабова деган муаллимларим (Худо раҳмат қилсин уларни) ўз соҳасининг ҳақиқий билимдонлари эди. Кейинчалик шеърларимни устозим, бетақдор ва дарё қалб инсон, халқимизнинг севимли шоири Абдулла Орипов назаридан ўтказдим. Машқларим устозга маъқул тушди, шекилли, «Халқ сўзи» газетасида у киши ёзган «Оқ йўл» билан босилиб чиқди. «Мени кутган эдингиз» номли биринчи китобимга ҳам Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов сўзбоши ёзганидан чексиз фахрланаман.

— Шеърларингиз кўплаб санъаткорлар томонидан кўшиқ қилиб куйланган. Мухлислар давраларда, кўча-кўйда, ўзаро суҳбатларда

ҳам уларни мутаассир бўлиб ўқиб туришади.

— Дарҳақиқат, юзлаб шеърларим кўшиққа айланиб хонандалар томонидан куйланмоқда. Ватанимизнинг «Мустақиллик», «Наврўз» каби умумхалқ байрамларида, тантанали давлат тадбирларида халқимизнинг севимли санъаткорлари Бобомурод Ҳамдамов, Фуломжон Ёқубов, Юлдуз Усмонова, Озодбек Назарбеков, Қодир Жўрақулов, Каримбой Раҳмонов, Фиёс Бойтоев, Дилдора Ниёзова, Равшан Комилов, Сардор Мамадалиев уларни маромига етказиб ижро этаётгани менга ҳам чексиз қувонч бахш этади.

**Таниқли шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси Шамсиддин Садойи Бухоро вилояти Қиждувон тумани Хадича қишлоғида таваллуд топган. Оилали, бир нафар фарзанди бор.**

— Ҳар бир шеъринг ўзига яраша дунёга келиш тарихи бўлади. «Давлатинг борида» номли шеърингиз ўзига хослиги, ҳаётининг, оқибатни тараннум қилгани билан минг-минглаб инсонлар қалбидан жой олган. Унинг халқ орасида бу қадар оммалашуви сабаб нима?

— Ҳақиқатан ҳам, бундан йигирма беш йиллар бурун булбулзабон хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Тошкент шаҳар ИИББ Маънавият ва маърифат маркази раҳбари лавозимда фаолият юритган, марҳум, подполковник Нуриддин Ҳайдаров томонидан куйланган бу кўшиқ ҳамон хофизлар тилидан тушмай келяпти. «Давлатинг борида» шеърда ўша кезлардаги қалбим фарёди, бошимдан ўтган тўфонлар акс этган. Аслида, дардли шеър ёки кўшиқгина киши қалбига етиб боради. Бежиз олтинчи ДАН қора белбоғ соҳиби, Ўзбекистон Қаратэ федерациясининг собиқ президенти Нурхон Нафасов

айнан «Давлатинг борида» кўшигини назарда тутиб: «Бу кўшиқ эркаклар гимни» деган бўлса керак. Бу кўшиқ ҳаёт бир текисда бўлмаслиги, омадинг кулган, давлатинг бор пайтда атрофингдагилар сенга парвона бўлиб, омад юз ўғирганида ёнингга фақат жонингга дўстлар қолиб, молингга дўстлар тескари бурилиб кетиши ҳақида.

— Ватан ва муҳаббат... Кўлига қалам тутган шоир борки, шу икки умрбоқий мавзуга муурожаат этмай иложи йўқ. Табиийки, сизнинг ижодингизни қузатган киши бу ҳақиқатга яна бир бор иқдор бўлади.

— Ватан ва Муҳаббат — бу иккиси икки қанотимдир. «Мени кутган эдингиз», «Дунёни муҳаббат олади», «Давлатинг борида», «Сени менга яратган», «Қипригингни сосядан айланай», «Бир кун сенга етарман» китобларимнинг ўзак-мағзини ана шу мавзулар ташкил этади. Муҳаббатим томиримдаги қонимдир. Ватаним жону жаҳонимдир. Қўлимда ҳақ берган қаламим бор экан,

бетимсол ва кундан-кунга кўркам, чароғон ва фаравон булиб бораётган шу Ватанинг бир дилбанди сифатида юртимни, халқимни баланд пардаларда куйлашда давом этаман. Муҳаббатни васф этувчи, жаранги осмонларга етгучи кўшиқлар ёзаман. Иншооллоҳ!

— Муштарийларга тилақларингиз.

— Тинчлик, мусаффолик энг қадрли неъматлар. Шу боис унинг қадрига етишимиз керак. Тонларимизнинг сокин, тунларимизнинг осойишта бўлиши йўлда ўз оромидан кечаётган фидойи инсонлар меҳнати эса ҳамини таҳсинга сазовор. Муштарийларнинг хонадонларига хотиржамлик тилайман. Юрт осойишталиги йўлда ҳеч қачон толмангиз. Барча эзгу ниятларингиз амалга ошиши тарафдориман.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат. Ёзилажак янги шеърларингиз ҳам одамларнинг юрагидан жой олишини тилаб қоламиз.

Шерзод АБДУСАМАДОВ суҳбатлашди.

## ҚАЛҚОН ТОҒЛАР

(Ички ишлар органлари ходимларига)

Сиз бор, кўнглимиз тоғ осмон қадарлар,  
Тинч кеча-кундузлар, тонглар, сахарлар.  
Сизга писанд эмас хавфу хатарлар,  
Сиз мард лочинларсиз юрт осмонига,  
Сиз қалқон тоғларсиз эл кўрғонига!

Сизлар қаҳрамонсиз, метин жонларсиз,  
Эл-юрт деб, яшаган бедор тонгларсиз.  
Файзулло, Рустамжон, Шокиржонларсиз,  
Сиз мард лочинларсиз юрт осмонига,  
Сиз қалқон тоғларсиз эл кўрғонига!

Елкангизда кўша юлдузлар ёнсин,  
Кўрғонига сизни дунё қувонсин.  
Изингиздан сокин тонглар уйғонсин,  
Сиз мард лочинларсиз юрт осмонига,  
Сиз қалқон тоғларсиз эл кўрғонига!

Сиз Темурави, фидойи жонсиз,  
Ватан тупроғида мангу посбонсиз.  
Шамсиддин Садойи ёзар дostonсиз,  
Сиз мард лочинларсиз юрт осмонига,  
Сиз қалқон тоғларсиз эл кўрғонига!

## ДАВЛАТИНГ БОРИДА...

Давлатинг борида, авжинг зўрида,  
Йўқлаб келар ҳатто бегоналар ҳам.  
Давлатинг йўрида, бахтинг шўрида,  
Саломинг олмайдигу девоналар ҳам.

Давлатинг борида, уйинг тўрида,  
Оёғинг ўпарлар мастоналар ҳам.  
Чироғинг ўчганда дўст-ку, дўст ҳатто  
Кўчангдан ўтмайди парвоналар ҳам.

Омад осмондан тушса юлдузлар,  
Баҳор, ёзинг ўтиб, келса гар кузинг.  
Қўлингизни ўлганлар кўмарлар изинг,  
Устингиздан куларлар ҳайронлар ҳам.

Бўйинингизга илсанг ҳам гадо тўрвасин,  
Ичмагил нокасинг ёғли шўрвасин.  
Оллоҳимдан сўра, бергай барчасин,  
Туллога айлангай остоналар ҳам.

Кеча ёнгинамда юргандинг яйраб,  
Кўзим ойнасида сочларинг тараб.  
Бу кун изларингиздан қолдим-ку қараб,  
Демак, рост экан-га, афсоналар ҳам.

Юлдуздай бир ёнгим, ўчарман, жоним,  
Ҳижрон йўқ жойларга кўчарман, жоним.  
Садойидан ёғдор сенга бу қабрим,  
Сафайган дафтарим, тароналар ҳам.

# БОБУР ЮРТИГА САЁХАТ

Захириддин Муҳаммад Бобур ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърятига ўзига хос ўрин эгаллаган буюк адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга, йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир.



Яқинда Фарғона вилояти ИИБ Кадрлар бошқармаси ташаббуси билан фарғоналик ўқувчи ёшларнинг Бобур туғилиб ўсган юрт – Андижонга саёхати ташкил этилди.

Фарғона шаҳридаги 15-умумтаълим мактабидаги ҳарбий йўналишга ихтисослашган «Турон» тўғарагининг 30 нафар аъзоси Кадрлар бошқармаси ходимлари ҳамроҳлигида Андижон шаҳрида бўлиб, Захириддин Муҳаммад Бобур ҳайкали, унинг номи билан аталувчи боғ ва музейни томоша қилишди. Соҳа ходимлари ёшларга буюк аждодимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб беришди.

Ёшлар саёхат давомида улғу аждодимизнинг саркардалик фаолияти, бой бадий мероси ҳақида қимматли маълумотга эга бўлишди.

**А. ФОЗИЛХҲАЕВ,**  
подполковник.  
Фарғона вилояти.

## ИБРАТЛИ ҲИКОЯ

### КЎЗГУ

— Нима учун камбағал одам бойдан кўра самимийроқ, саҳийроқ бўлади? — дея сўрабди бир донишманддан шогирдлари. У ўрнидан турибди ва дераза ёнига бориб:



— Деразадан қара, кимни кўрясан? — дебди.

— Болакайлар ўйнаб юришибди, — дея жавоб берибди шогирд гўё бунга уларнинг нима алоқаси бор дегандек хайрон бўлиб.

— Энди кўзгуга қара, кимни кўрясан? — дебди донишманд.

— Ҳазини!

— Кўрдингми, иккиси ҳам шишадан ясалган, аммо бирига озгина кумуш қўшилса, унда фақат ўзингни кўра бошлайсан.



*Осмон оши бўлмас, ер ҳам бўлмас тош,  
Илдишлар илдишга бўлеалар туташ.  
Хатто гўдак бола юрагида ҳам  
Буюклар даҳоеи кўтаради бош.*

Темир ҚУРБОН.

## АЛЕКСАНДР ДЮМАНИНГ «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» РОМАНИДАГИ ИБРАТЛИ СЎЗЛАР

Жиноятчини топмоқчи бўлсанг, қилинган жиноятдан наф кўрадиган кишини ахтар.

\*\*\*

Барча махлуқлар ичида энг худбини, сурбети инсон. Энг мақтанчоғи, мағрури, ўзига бино кўйгани ҳам инсон! У қуёш фақат менга нур сочади, ер ҳам мени деб айланади, ўлим ҳам мени деб ҳаммага қирон келтиради, дея ўйлайди. У — чўп устида туриб, худого дўк урган чумоли!

\*\*\*

Киши сон-саноксиз машаққатлар гирдобиди қанчалик чиниққан бўлмасин, қоп-қора булут каби бостириб келаётган даҳшатли хавф-хатарларни кўкрак кериб қутиб олишга қанчалик шайланмасин, фикр ва амал, ният ва унинг рўёбга ошиши ўртасида жуда катта тафовут борлигини ҳаммиша юрагининг гуп-гуп уришидан ва вужудининг ларзага келишидан сезади!

\*\*\*

Бахт эшиклари афсонавий аждарҳолар кўриқлаб турадиган саройга ўхшайди.

\*\*\*

Бахт энг ёвузларни ҳам марҳаматли кишига айлантириб юборади.

\*\*\*

Инсон бошига мусибат тушса, худого илтижо қилиши керак, лекин у ҳеч кимдан, ҳеч қаердан нажот тополмагандагина худого мурожаат қилади.

\*\*\*

Ҳар бир киши ихтимомий ҳаёт зинапоясининг бошидан охиригача ўз шахсий манфаатлари доирасида яшайди.

\*\*\*

Худойим ўзи яратган инсонга ҳаёт ва яшашга чексиз муҳаббатни ҳам ато этган экан. Инсон шу азиз ҳаётини сақлаш учун кўлидан келган ҳамма чораларни кўрмоғи керак, бу — худонинг амри.

\*\*\*

Энг хавфли нарса ҳаракатсизлик ва ҳафсаласизликдир.

\*\*\*

Юрак шундай бир нарсаки, у орзу-умидларнинг илк шабадаси эсиши билан дарҳол ортик шишиб, кенгайиб кетади, воқеликнинг совуқ шамоли эсгудек бўлса, бирдан сикилиб қичрайиб қолади.

Инсон заковатининг сўнги сўзи — «Яна ким билсин?». Ҳар қандай балодан қутилиш учун иккита дори бор — вақт ва сукут.

Тўпловчи капитан Низомиддин ФАХРИДИНОВ.



Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyat-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonada manzili:

Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Buyurtma №V-4066.

Bosilish — ofset usulida.

Bichimi — A3. Hajmi — 6 bosma taboq. 57 518 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:

Yakka tartibda — 180.

Tashkilotlar uchun — 366.

Bosishga topshirish vaqti — 22.00.

Bosishga topshirildi — 21.00.

Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100070, Toshkent shahri,

Shota Rustaveli 1-berk

ko'chasi 9-uy.